

Турмуш ўртоғим болалиқдан 3-гурух ногирони. Яқинда кирқ саккиз ёшга тўлганида солиқ инспекциясидан ер ва мулк солиғи учун солиқ қозғозини ташлаб кетишди. Улар эримнинг ногиронлиги учун солиқдан озод бўлишини тан олишмаяпти. Шу тўғрими?

3 бет

Жиноий гуруҳ ўзларига ишониб топширилган ҳамда ихтиёрларида бўлган ўзганинг 2 млрд. 342 млн. сўмликдан кўпроқ мол-мулкни компьютер техникаси воситаларидан фойдаланган ҳолда ўзлаштириб, таълон-торож қилган.

9 бет

Mustaqillik huquq demakdir



1997-yil 27-avgustdan chiqq boshlagan www.huquq-gazeta.uz

2010-yil 20-may, №20 (697)

Парламентда

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига қўшимчалар киритиш ҳақида

Қонунчилик палатаси томонидан 2010 йил 22 апрелда қабул қилинган
Сенат томонидан 2010 йил 7 майда маъқулланган

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2015-ХII-сонли Қонуни билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Аxbоротномаси, 1995 йил, № 3, 6-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Аxbоротномаси, 1995 йил, № 9, 193-модда, № 12, 269-модда; 1996 йил, № 5-6, 69-модда, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 4-5, 126-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 3, 38-модда, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда, № 7-8, 217-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда, № 9-10, 165, 182-моддалар; 2002 йил, № 1, 20-модда, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 5, 67-модда, № 9-10, 149-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 5, 90-модда, № 9, 171-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси

Олий Мажлиси палаталарининг Аxbоротномаси, 2005 йил, № 9, 312-модда, № 12, 413, 417, 418-моддалар; 2006 йил, № 6, 261-модда, № 9, 498-модда, № 10, 536-модда, № 12, 656, 659-моддалар; 2007 йил, № 4, 158, 159, 164, 165-моддалар, № 9, 416, 421-моддалар, № 12, 596, 604, 607-моддалар; 2008 йил, № 4, 181, 189, 192-моддалар, № 9, 486, 488-моддалар, № 12, 640, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 9, 334, 335, 337-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 462, 468, 470, 472, 474-моддалар) қуйидаги қўшимчалар киритилсин:

1) қуйидаги мазмундаги **188-модда** билан тўлдирилсин:

"188-модда. Вояга етмаган шахснинг кўнгил очиш (дам олиш) жойларида тунги вақтда бўлишига йўл қўйиш

Ўзбекистон Республикасининг Президенти

Тошкент шаҳри, 2010 йил 17 май
№ ЎРҚ - 244

Ресторанлар, кафелар, барлар, клублар, дискотекалар, кинотеатрлар, компьютер заллари, Интернет тармоғидан фойдаланиш хизматларини кўрсатиш учун жиҳозланган хоналар ёки бошқа кўнгил очиш (дам олиш) жойларининг раҳбарлари ёхуд бошқа масъул шахслари томонидан вояга етмаган шахснинг тунги вақтда ота-онасидан бири ёки унинг ўрнини босувчи шахснинг кузатувисиз кўрсатилган муассасаларда бўлишига йўл қўйиш - энг кам иш ҳақининг ўн бараваридан ўн беш бараваригача миқдорда жарима солишига сабаб бўлади";

2) **245-модданинг биринчи қисми** "188" рақамидан кейин "188" рақами билан тўлдирилсин.

2-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан қучга қиради.

И.КАРИМОВ

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига қўшимча киритиш тўғрисида

Қонунчилик палатаси томонидан 2009 йил 24 ноябрда қабул қилинган
Сенат томонидан 2010 йил 7 майда маъқулланган

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2012-ХII-сонли Қонуни билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Аxbоротномаси, 1995 йил, № 1, 3-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Аxbоротномаси, 1996 йил, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда, № 9-10, 165-модда; 2002 йил, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 9-10, 149-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 9, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Аxbоротномаси, 2005 йил, № 9, 314-модда, № 12, 417, 418-моддалар; 2006 йил, № 6, 261-модда, № 12, 656-модда; 2007 йил, № 4, 158, 166-моддалар, № 6, 248-модда, № 9, 416, 422-моддалар, № 12, 607-модда; 2008 йил, № 4, 187, 188, 189-моддалар, № 7, 352-модда, № 9, 485, 487, 488-моддалар, № 12, 640, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 4, 128-модда, № 9, 329, 334,

335, 337-моддалар, № 12, 470-модда) қуйидаги мазмундаги 571-модда билан тўлдирилсин:

"571-модда. Айбдор ўз қилмишига чин қўнгилдан пушаймон бўлганида жазо тайинлаш
Ушбу Кодекс 55-моддаси биринчи қисмининг "а" ва "б" бандларида назарда тутилган жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар мавжуд бўлган ва ушбу Кодекс 56-моддасининг биринчи қисмида назарда тутилган жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар мавжуд бўлмаган тақдирда жазо муллати ёки миқдори ушбу Кодекс Махсус қисмининг тегишли моддасида назарда тутилган энг кўп жазонинг учдан икки қисмидан ошмаслиги керак. Мазкур қонда жавобгарлики оғирлаштирилган ҳолатларда қасдан одам ўлдирish (97-модданинг иккинчи қисми) ва терроризм (155-модданинг учинчи қисми) билан боғлиқ жиноятларни содир этган шахсларга татбиқ этилмайди".

2-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан қучга қиради.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти

Тошкент шаҳри, 2010 йил 18 май
№ ЎРҚ - 245

И.КАРИМОВ

Давра суҳбати

Ўтган ҳафтада Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитаси томонидан "Ўзбекистон Республикаси халқаро ҳуқуқ нормаларининг ижроси масалалари" мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди.

Унда Ўзбекистон Республикаси халқаро ҳамжамиятнинг тенг ҳуқуқли аъзоси — суверен давлат сифатида кўплаб халқаро конвенциялар, битимлар ва шартномаларни имзолаганлиги, шунингдек, хорижий давлатлар билан юзлаб шартномалар ҳамда ахдлашувлар имзолагани ва бу жараённинг давом этиши эътироф этилди. Таъкидланганидек, халқаро ҳуқуқ нормаларининг бажарилиши устидан назорат Ўзбекистон Республикаси Конституцияси муқаддимаси ва бир қатор нормаларда, "Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари тўғрисида"ги Қонунда ҳуқуқий асос сифатида акс эттирилган.

Амалдаги қонунчиликка мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларга риоя этиши, уларнинг амалга оширилиши устидан мониторинг олиб бориш Ўзбекистон Республикаси Ташқи Ишлар вазирлигига ва назорат фаолияти Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига юклатилган.

Биргина 2005-2009 йилларда Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитаси 15 та муҳим халқаро конвенциялар ижросини назорат-таҳлил фаолияти асосида ўрганиб чиққан ҳамда тегишли тавсия ва таклифлар ижроия ҳоқимият ва давлат идораларига киритилган. Йиғилиш давомида кўплаб қонунлар ва қонуности ҳужжатларини халқаро нормалар билан уйғунлаштириш масалалари бўйича бирмунча салмоқли ишлар амалга оширилганлиги таъкидланди.

Йиғилганлар давра суҳбатини ташкил этишдан мақсад Ўзбекистоннинг халқаро муносабатлар борасида юксак обрў-нуфузини таъминлаш, халқаро шартномаларнинг қатъий ва сўзсиз бажарилишига эришишдан иборат эканлигини алоҳида эътироф этилди. Шунингдек, иштирокчилар аҳолининг бандлиги ва одам савдосига қарши курашиш масалаларига ҳам эътиборларини қаратдилар.

Давра суҳбатида Қонунчилик палатаси депутатлари, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Олий ўқув курслари тингловчилари ва масъул ходимлари, ОАВ вакиллари иштирок этидилар.

Ўз мухбиримиз

2010 йил — Баркамол авлод йили

Баркамол авлоднинг ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимояси

Республикада ҳуқуқий демократик давлат барпо этиш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш йўлида амалга оширилаётган туб ислохотларнинг замирида, аввало, фуқаролар учун муносиб турмуш шароитларини яратишдек эзгу гоа муҳим ҳисобланади. Айниқса, ёш авлод таълим-тарбияси, уларнинг камил инсон бўлиб камол топиши учун зарур имкониятлар ҳамда шарт-шароитларни яратиш жамият истиқболи билан бевосита боғлиқ вазифа сифатида давлатимиз сиёсатининг марказида бўлиб келмоқда.

Бугун юртимизда вояга етмаганлар ва ёшларимизнинг ҳаётида муносиб ўрин эгаллашларини учун кенг имкониятлар эшиги очилган. Навоий вилоятида ҳам "Баркамол авлод йили" Давлат дастури ижроси юзасидан ёшларга, уларнинг нури ва истиқболли келажигига катта эътибор қаратилмоқда.

Хусусан, жойларда ўтказила-

Алишер ТЕСАЕВ,
Навоий вилоят прокуратурининг
катта ёрдамчиси

ётган бўш иш ўринлари ярмаркалари ҳам ёшларимизнинг ўз мутахассисликлари бўйича ишга жойлаштиришларига замин яратмоқда. Вилоятда касб-хунаар коллежлари битирувчиларини иш билан таъминлаш мақсадида вилоят прокуратураси, вилоят ҳоқимлиги, вилоят меҳнат ва аҳоли ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси ҳамда вилоят ўрта махсус касб-хунаар таълими бошқармаси томонидан ҳамкорликда кенг қамровли тадбирлар амалга оширилиб, туман ва шаҳарлардаги касб-хунаар коллежлари битирувчиларини иш билан таъминлашга асосан янги яратилган ва квоталанган иш жойларига бўш иш ўринларига жойлаштирилиши таъминланмоқда.

/Давоми 4-бетда/

Соғлиқ кушандалари

Инсон ҳаёти, унинг саломатлиги ҳамма нарсадан устун. Шу боис ҳам мустақилликнинг илк кунларидан бошлаб, мамлакатимизда барча соҳалар каби соғлиқни сақлаш тизимида ҳам туб ўзгаришлар бўлиб, бу давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланди. Тиббиёт тизимига бўлган эътибор ва ғамхўрлик йилдан-йилга тақомиллашиб, бу соҳадаги ислохотлар янги босқичга кўтарилди. Соҳага доир қонунчилик тақомиллаштирилди. Айниқса, қалбақлаштирилган ва сифатсиз дори воситаларининг четдан кириб келиши ҳамда савдога чиқарилишининг олдини олиш бўйича ҳуқуқий асос яратилди.

Бироқ шунга қарамадан айрим шахслар фақатгина ўз манфаатларини кўзлаб ҳеч қандай ҳужжати бўлмаган сифатсиз дори маҳсулотлар савдоси билан шугулланиб, фуқароларнинг ҳаётини хавф остига қўймоқдалар.

Яқинда жиноят ишлари бўйича Янгибозор туман суди томонидан ана шундай соғлиқ кушандаларига айланиб улгурган, Ҳазорасп туманида яшовчи Давлатёр исми йигит устидан очилган жиноят иши кўриб чиқилди.

Давлатёр Ҳазорасп туман бозорига нотаниш аёлдан Германия ва Украина давлатларида ишлаб чиқарилган, бироқ ҳеч қандай ҳужжатлари бўлмаган тўрт хилдаги жами 4 млн. 917 минг сўмлик дори воситаларини сотиб олиб, уни қайта сотиш мақсадида танишининг "Нексиа" русумли автомобилда Гурлан туманига олиб бораётганида Янгибозор туман ҳудудига вилоят ички ишлар бошқармаси йўл ҳаракати хавфсиз-

Мансур МАТКАРИМОВ,
Янгибозор туман прокурори
Мирзабек ЖАПАҚОВ,
журналист

лиги хизмати ходимлари томонидан ушланади.

Давлатёр аввалига Ҳазорасп туманидаги хусусий дорихоналардан бирининг сотувчиси эканлигини, автомашинадаги дори воситаларини эса Гурлан туманидаги дорихоналарга шартнома асосида олиб бораётганини айтиб ИХХ ходимларини чалғитмоқчи бўлади.

Дастлабки тергов жараёнида дориларнинг ҳеч қандай ҳужжати йўқлиги, Давлатёр эса бу дориларнинг қаерда ишлаб чиқарилгани-ю, қандай касалликларга ишлатилишини ҳам билмаслиги, дорихонада ишламаслиги, ҳатто фармацевтика фаолияти билан шугулланиш учун ҳеч қандай маълумоти ҳам йўқлиги маълум бўлди.

Жиноят ишлари бўйича Янгибозор туман суди томонидан Давлатёрга нисбатан тегишли жазо тайинланиб, унинг миллионлаб пулга сотиб олинган истеъмолга яроқсиз дори-дармонларини эса тегишли тартибда йўқ қилиш белгиланди.

Давлатёр ва унга ўхшаганлар тегишли маълумот олиб, белгиланган қонун қоидалар асосида фаолият юритганларида эди, одамлар саломатликларини тиклашга кўмаклашиш ўрнига соғлиқ кушандаларига айланиб қолмаган, қолаверса, миллионлаб пулларидан айрилмаган бўлардилар.

Давлат дастури доирасида

Юртимизда Президентимиз бошчилигида оммавий спорт ва жисмоний тарбияга қаратилган эътибор туфайли бу жабҳада улкан ютуқларга эришилмоқда. Айниқса, болалар спортини ривожлантиришга қаратилган бир қатор чора-тадбирлар кўзланган самарани берапти. Бугунги кунда улар орасида турли мусобақалар ташкил этиш ҳам долмиий аънамага айланиб бормоқда. Бугун ёшларимиз дунёнинг турли мусобақаларига муносиб қатнашиб, совринли ўринларни қўлга киритиб, юртимиз байроғини жаҳон ареналарида баланд кўтармоқдалар. Ўз навбатида спорт ёшлар ўртасида жиноятчиликнинг олдини олишнинг ҳам самарали омилига айлани, десак муболага бўлмайди.

Юқоридагиларни инобатга олиб, 19 май куни Бўка туман прокуратураси ташаббуси билан "Баркамол авлод тили" Давлат дастури доирасида ва Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиянинг иш фаолиятдан келиб чиққан ҳолда спортнинг футбол ва волейбол тури бўйича туман биринчилиги ўтказилди. Тегишли тартибда тасдиқланган Низомга кўра мусобақа 4 босқичда амалга оширилди. Низомга биноан тумандаги 54 та умумтаълим мактаблари ва 15-сонли "Меҳрибонлик уйи"нинг 9-синфга бўлган ўқувчилари катнашиши белгиланди. Биринчи босқич мавжуд мактабнинг синфлари ўртасида

ўтказилиб, уларнинг орасидан мактаб терма жамоалари саралаб олинди. Иккинчи босқичда эса мактабларнинг худудий жойлашувини инобатга олган ҳолда 16 та саралаш гуруҳлари тузилди.

(Давоми 12-бетда)



Бургага аччиқ қилиб...

Хар бир инсон келажакка катта умид билан оила қуради. Оила инсоннинг бахт қўрғони бўлмоғи керак. Афсуски, ҳаётнинг беаёв зарбалари кўп. Шу зарбаларга чидаб беролмаган инсонлар, уларнинг сабрсизлиги сабаб оила пойдеворидан дарз кетади. Энг ёмони, оила вайроналари остида болалар қолиб кетади ва энг кўп азият чеккан ҳам шу болалар бўлиб қолади.

Феруза ва Жонибеклар 2007 йил дабдабали тўй қилиб турмуш қуришди. Аммо бу никоҳнинг қонуний расмийлаштирилиши турли баҳоналар билан кейинга сурилди. Орадан бир йил ўтиб, киз фарзанд дунёга келди. Болага отанинг эмас, онанинг фамилияси билан гувоҳнома берилди. Қарангки, ёш оила жуда омонат экан, эр-хотин келишолмай алоҳида яшайдиган бўлишди. Хотин боласи учун эрдан таъминот талаб қилиб судга мурожаат қилди. ФХДЭ томонидан оталик белгиланиб, болага отасининг фамилияси берилди.

Фуқаролик ишлари бўйича туманлараро суди Жонибекдан қизининг таъминоти учун бола вояга етунига қадар ойлик даромадининг тўртдан бир қисми миқдорда алимент ундириш тўғрисида ҳал қилув қарори чиқарди.

Жобир эса ўн уч йиллик рўзғорини барбод қилди. Муттасил ичиб келиб, хотини Гулбаҳорни ҳақоратлаши, уруш-жанжаллар аёлининг сабр қосасини тўлдирди. Ўғлини олдига солиб кетиб қолди. Эр алоҳида, хотин алоҳида ижарама-ижара юришиди, бола эса сарсон. Гулбаҳор суднинг қарори бўлишига қарамай бир ярим йилдан

Амрулло Жўраев,
Ромитан туман прокурори
Меҳринисо Хўсайнова,
журналист

бери боласи учун алимент тўламай келаятган эрининг устидан арз қилади. Вояга етмаган ўғлининг моддий таъминоти учун 1.031.145 сўм миқдордаги алимент пулларини тўлашдан қасддан бўйин товлаб келган Жобирга нисбатан жиноий иш қўзғатилди. Ишни кўриш жараёнида ҳар икки томон ихтиёрий ярашганлиги, алиментдан бўлган қарз қопланганлигини ҳисобга олиб, суд Жобирни жиноий жавобгарликдан озод этди ва жиноят иши тугатилди. Демак, мазкур оилани тиклаб кетишига умид пайдо бўлди.

Биз атайин исм-фамилиялар ва манзилларни тўлиқ кўрсатмадик. Сабаби, мақсадимиз бировларнинг номини қоралаш эмас, уларнинг хатосидан бошқалар сабоқ олсин. Агар эътибор қилган бўлсангиз, ҳар иккала ҳолатда ҳам асосий жабрдийда болалар бўлиб қолмоқда. Ҳўш, нега катталарнинг, ота-онанинг хатоси учун бола озор кўриши керак?! Никоҳни ихтиёр этганимизда биз бор вужудимиз билан фақат бахтли, хурсандчилик онларидан эмас, ёмон кунда ҳам, машаққатли дамларда ҳам ҳаммиша бирга, сунуч таянч, бус-бутун бўлишга онт инчамиз ва шу умид билан жуфтлик танлаймиз. Ҳаёт сўқмоқларида эр-хотиннинг иродасизлиги сабаб оиланинг гулжого — болалар сарсон бўлмаслиги лозим.

Бургага аччиқ қилиб, кўрпа куйдирманг.

Сохта тadbиркорлар

Асадилло ИСМОИЛОВ,
СВОЖЖДЛҚК Департаменти Олтинкўл тумани бўлими бошлиғи
Маҳпураҳон ОРТИКОВА, журналист

Тadbиркорлик, кичик ва ўрта бизнес бугунги кунда аҳоли бандлигини таъминловчи ва унинг асосий даромад манбаи бўлган муҳим бўлиб айланмоқда. Аммо тadbиркорлар орасида ҳам ўз манфаатини ўйловчи сохта тadbиркорлар учраб турибди. "Ҳаракатим ривож неъматини" хусусий фирмаси мансабдорлари ҳам ана шундай тadbиркорлардан ҳисобланади.

Фирма раҳбари Режаб Фуломов боши қотиб утирганда ёнига бош ҳисобчи Олим Йўлдашев кириб келади.

- Ҳа, кайфиятингиз йўқ кўринади, тинчликми?
- Чунтақда шамол эсяпти, бош қотган.
- Агар шунга ўйланаётган бўлсангиз, йўли осон-ку!
- Қандай қилиб кўп пул топиш мумкин?
- Тез сотилувчан маҳсулотларнинг олди-сотдисини қилсак, пул айланган сари миллионларнинг ўзи оқиб келаверади.

Шу тарздаги суҳбатдан сўнг улар ишга киришди. Ваҳоланки, жамиятнинг Низомидан кўрсатилган манзилда турғун савдо шохобчаси ёки товар оմборлари бўлмаган. Жамият Низомидан белгиланган низом жамғармасини шакллантирмадан ҳамда мулкий жавобгарлигини таъминловчи асосий воситага эга бўлмаган ҳолда фаолият бошлайди.

Сохта тadbиркорлар "Микрокредитбанк" ОАТБ Олтинкўл филиалидаги ҳисоб-рақами орқали 2009 йилнинг 11 август кунидан 1 октябр кунига қадар жами 1 млрд. 374 млн. 803 минг сўмлик ҳар хил турдаги тез сотилувчан товарлар олиш учун пул ўтказишди. Мазкур товарларни жамиятнинг ҳисоб-рақами орқали сотиш ўрнига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 26 декабрдаги 621-сонли ҳамда 2002 йил 5 августдаги 280-сонли Қарорлари талабларига зид равишда, назорат касса машинаси қўлланилмаган ҳолда нақд пулга сотади. Саводдан тушган пуллари эса банк мусасасасига топширишмайди.

Бундан ташқари, худди шу давр мобайнида 3 млрд. 690 млн. 915 минг сўмлик банк кредит товар айланмасини амалга ошириб, мазкур амалга оширган товар айланмасига нисбатан 5 фоизли солиқ ставкасида давлат бюджетга ҳисобланиши ва тўланиши лозим бўлган 184545,8 минг сўм миқдордаги солиқ тўловини қасддан амалга оширмадик ва қонунга хилоф бўлган мулкий манфаат кўриш мақсадини кўзлаган ҳолда иш юритдилар.

Мазкур ҳолат юзасидан Департаментнинг Андижон вилоят Олтинкўл туман бўлими томонидан Режаб Фуломов, Олим Йўлдашев ва бошқаларга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 189-моддаси 3-қисми, 25-184-моддаси 3-қисми ва 179-моддаси билан жиноят иши қўзғатилди. Жиноят иши юзасидан олиб борилган суриштирув ҳаракатлари давомида "Ҳаракатим ривож неъматини" хусусий фирмаси мансабдор шахслари томонидан бюджетга етказилган зарарнинг қопланиши юзасидан кўрилган чоралар натижасида 36 млн. 300 минг сўм пул маблағлари бюджетга ўтказилиши таъминланди. Қонунга зид фаолият юритган тadbиркорлар қонун олдида жавоб бердилар.

Автомашиналар учун ҳақ

Мен ўн йилдан бери ҳайдовчилик қиламан. Эшитишимча, яқинда чет давлатлардан кириб келадиган автомашиналар, яъни Ўзбекистонга юк олиб келадиган, Ўзбекистон ҳудудидан ўтиб кетадиган автомашиналар учун йўл солиғи оширилибди. Шулار ҳақида маълумот берсангиз.

В.Одилов,
Бўстонлик тумани

Ҳақиқатан ҳам Республика Вази́рлар Маҳкамасининг 2010 йил 29 апрель кунги қарорига мувофиқ, "Ўзбекистон Республикасининг Тожикистон Республикаси билан давлат чегарасини кесиб ўтадиган хорижий юк автотранспорт воситалари ва автобуслар Ўзбекистон Республикаси ҳудудига кириши ва транзит ўтиши учун қўшимча йиғим Ставкалари"га ўзгартириш киритилди. Унга кўра, Тожикистон Республикасининг автотранспорт воситалари ва автобуслари учун - 90 АҚШ доллари.

Туркменистоннинг юк автотранспорт воситалари учун:
а) қуйидагилар учун:
10 тоннадан юк кўтарадиган юк автотранспорт воситалари учун - 35 АҚШ доллари;
10 тонна ва 10 тоннадан ортиқ юк кўтарадиган юк автотранспорт воситалари учун - 55 АҚШ доллари.

б) ўриндиқлар сонини:
12 та ўриндиқдан кам бўлган автобуслар учун - 35 АҚШ доллари;
12 та ўриндиқдан ортиқ бўлган автобуслар учун - 55 АҚШ доллари.

Бошқа хорижий давлатларнинг юк автотранспорт воситалари ва автобуслари учун - 175 АҚШ доллари миқдорига йиғим белгиланган.

Қолиб кетган ёзувлар сабабли...

Мен 1975 йилдан 1996 йилга қадар колхозда тракторчилик қилганман. 1996 йилдан 2000 йилга қадар юкагич трактор ҳайдадим. Билишимча, узлуксиз йигирма йил пахта даласида ишлаб элик беш ёшга тўлган механикаторларга имтиёзли равишда пенсия тайинланар экан. Лекин менинг архивда сақланган ҳужжатларимда ҳисобчининг айби билан тўрт йиллик иш даврим ҳўжалик дафтарида ёзилмай қолган экан. Шу сабабли туман ижтимоий таъминот бўлими ҳўжатларимни қабул қилмади. Бунинг устига бизга суд қарори ҳам ўтмайди дейишди. Аммо мен ишлаган даврларни тасдиқлай оладиган ўша вақтдаги раис ва инженерлар ҳозирда ҳаёт. Ана шундан келиб чиққан ҳолда, ёзилмай қолган иш стажимни қандай қилиб тасдиқлашим мумкин?

Н.Холиметов,
Гурлан тумани

Меҳнат дафтарчаси, шунингдек, ижтимоий таъминот органлари томонидан берилган сугурта бадаллари тўланганлигини тасдиқловчи маълумотномалар иш стажини тасдиқловчи асосий ҳужжатлар ҳисобланади.

Республика Вази́рлар Маҳкамасининг 1994 йил 11 майдаги 249-сонли қарори билан тасдиқланган "Пенсия тайинлаш учун меҳнат стажини тасдиқлаш тартиби тўғрисида"ги Низом талаби бўйича, меҳнат дафтарчаси ёки ундаги зарур ёзувлар бўлмаган ёхуд ёзувлар хато ва ноаниқ ёзилган бўлса, меҳнат стажини тасдиқлаш учун (иш вақтини ҳисобга олиб бўлмаган ҳодимлар стажини бундан мустасно) маълумотномалар, буйруқлардан кўчирмалар, иш ҳақи бериш бўйича шахсий счётлар ва ведомостлар, уларнинг бажарганлиги қайд этилган ёзма меҳнат шартномалари (контрактлар) ва иш даврлари тўғрисида маълумотлар бўлган бошқа ҳужжатлар қабул қилинади. Юқорида кўрсатилган ҳужжатлар бўлмаса, меҳнат стажини исботлаш учун касабани уюшмаси билетлари ва ҳисоб-китоб дафтарчалари қабул қилинади. Ҳисоб-китоб дафтарчалари иш ҳақи тўланганлиги тўғрисида белги қўйилган вақт учун, касабани уюшмасига аъзолик билети эса иш ҳақи ёки стипендиядан аъзолик бадаллари тўланганлиги тўғрисида белги қўйилган вақт учун иш даврини тасдиқлайди.

Касабани уюшмасига аъзолик билети бўлмаган тақдирда, стаж ҳисобга олиш варақаси асосида аниқланиши мумкин, бунда фақат аъзолик бадалла-

ри тўланган вақт стажга киради.

Меҳнат дафтарчасида ҳодимларнинг айрим тоифалари учун белгиланган имтиёзли шартларда пенсия олиш ҳуқуқини белгиловчи омиллар тўғрисида тўлиқ маълумотлар бўлмаган ҳолларда, махсус стажни тасдиқлаш учун корхонада ёки ташиқлотларнинг аниқлаштирувчи маълумотномалари қабул қилинади.

Шу билан бирга маълумотномаларда қўшимча равишда қишлоқ ҳўжалик кооперативлари (ширжақ ҳўжаликлари), фермер ҳўжаликлари ҳамда қишлоқ ҳўжалигининг бошқа корхоналари тракторчилари-машинистлари учун тўлиқ дала иши давомида (деҳқончиликда) ёки бутун йил мобайнида (чорвачиликда) қишлоқ ҳўжалиги махсусотлари етиштириш ишида бевосита банд бўлганлик тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилиши керак.

Кўрсатиб ўтилган меҳнат стажини ҳўжалик раҳбари, кадрлар бўйича ходим, бош бухгалтер ва касабани уюшмаси кўмитаси раисидан иборат таркибдаги комиссия томонидан ҳўжаликдаги мавжуд ҳўжатлар асосида, ҳўжатлар мавжуд бўлмаган тақдирда эса гувоҳларнинг кўрсатмаси асосида белгиланади.

Шу билан бирга, меҳнат дафтарчаларидаги ва бошқа ҳўжатлардаги ёзувлар белгиланган қоидалардан четга чиққан ҳолда амалга оширилган ҳолларда уларни меҳнат стажининг исботи сифатида қабул қилиш мумкинлиги тўғрисидаги масала ижтимоий таъминот бўлими томонидан ҳал этилади.

Солиқ имтиёзи

Турмуш ўртоғим болаликдан 3-гурӯх ногирони. Яқинда қирқ саккиз ёшга тўлганига солиқ инспекциясидан ер ва мулк солиғи учун солиқ қозғовини ташлаб кетишди. Улар эримнинг ногиронлиги учун солиқдан озод бўлишини тан олишмаяпти. Шу тўғрими?

Х.Амиров,
Юнусобод тумани

Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солиналган солиқдан ва ер солиғидан озод қилиш борасида қайд этилган имтиёзлар доирасида 3-гурӯх ногиронлари тилга олинмаган. Ногиронлар тоифасидан бўлган I ва II гурӯх ногиронларининг мулкига бўлган мол-мулкка жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солиналган солиқ солинмайди. Шу жумладан, ушбу шахслар ер солиғидан ҳам озод қилинганлар.

Маъзур имтиёз пенсия гувоҳномаси ёки тиббий-меҳнат эксперт комиссиясининг маълумотномаси асосида берилди.




Ўзбекистон Жиноят-процессуал кодексининг 38-моддасида ички ишлар органларидан ташқари суриштирув органлари қаторига қуйидаги органлар ҳам киритилган:

— ҳарбий қисмлар, қўшилмаларнинг қомандирлари, ҳарбий муассасалари ва ҳарбий ўқув юртларининг бошлиқлари — уларга бўйсунувчи ҳарбий хизматчилар, шунингдек ўқув машқлари ўтказиладиган вақтда ҳарбий хизматга мажбурлар томонидан содир этилган жиноятларга доир ишлар бўйича;

— Ўзбекистон Қуролли Кучлари ҳодимларининг хизмат мажбуриятини бажариш билан боғлиқ жиноятлари ёки қисм, қўшилма, муассаса ё ўқув юрти жойлашган ерда содир этган жиноятларга доир ишлар бўйича;

— миллий ҳавфсизлик қизматлари органи — қонунга кўра



Имтиёз борми?

Мен коллежда физика фани ўқитувчиси бўлиб ишлайман. Ўқитувчилар ва мураббийлар кунини муносабати билан менга "Шўҳрат" медали ва "Ўзбекистон Республикаси ўрта махсус касб-хўнаар таълими аълочиси" кўкрак нишонини билан тақдирланам. Мен қонун ҳўжатларидан белгиланган қандай имтиёزلардан фойдаланишим мумкин?

Ж.Мелиев,
Музработ тумани

"Шўҳрат" медали тўғрисидаги Низомда белгиланишича, маъзур медал билан мукофотланган шахслар энг кам ойлик иш ҳақининг беш қарраси миқдорига бир йўла тўланган пул мукофоти олади.

"Шўҳрат" медали билан мукофотланган шахслар қонун ҳўжатларидан белгилаб қўйиладиган имтиёزلардан фойдаланадилар, дейди. Бироқ, айни пайтда бу борда имтиёз белгиланганича йўқ. Шу билан бирга сиз тилга олган кўкрак нишонини соҳиблари учун ҳам.

Яна кимлар киради?

Мен йиллар давомида ўқитувчилик қилдим. Ҳаётимда жуذا кўплаб воқеаларга дуч келганман. Лекин бир савол мени кейинги пайтларда қизиқтириб қўйди. Масалан, ички ишлар органлари тергов ва суриштирув олиб боришга ваколатли орган деб ҳисобланади. Аммо бундай ваколат бошқа органларга, мисол учун ёнғин хавфсизлиги, божхона органларига ҳам бериладими? Бундай ваколат яна кимларда бор?

Н.Умаров,
Фаргона шаҳри

уларнинг юриктишига берилган ишлар бўйича;

— Ўзбекистон Ички ишлар вазирлиги жазони ижро этиш тизимини бошқариш органларининг бошқалари, қамқоқ тартидаги жазони ижро этиш муассасаларининг, жазони ижро этиш колониялари, тарбия колониялари, тергов изоляторлари ҳамда турмаларнинг бошлиқлари — шу муассасалар ҳодимлари хизматини ўташини белгиланган тартибга қарши қилган жиноятларга доир ишлар, худди шунингдек маъзур муассасалар ҳудудида содир этилган бошқа жиноятларга доир ишлар бўйича;

— давлат ёнғиндан назорат қилиш органлари — ёнғинларга доир ва ёнғинга қарши қоидаларни бузганликка доир ишлар бўйича;

— чегарани қўриқлаш органлари — давлат чегарасини бузганликка доир ишлар бўйича;

— олис сафарда бўлган денгиз кемаларининг капитанлари;

— давлат божхона хизмати органлари, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳўзуридида Солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш департаменти ва унинг жойлардаги бўлинмалари — тегишинча божхона, солиқ ва валюта тўғрисидаги қонун ҳўжатларини бузганликка доир ишлар бўйича;

— Ўзбекистон Адлия вазирлиги ҳўзуридидаги Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти ҳамда унинг ҳудудий бошқармалари — воёга етмаган ёки меҳнатга лаёқатсиз шахсларни, ота-онани моддий таъминлашдан бўйин товлашга, суд қарорини бажармасликка, шунингдек банд солиingan мол-мулкни қонунга ҳилоф равишда тасаруф этишга доир ишлар бўйича.

Мукофот беришмади

Қизим 2006 йилдан кутубхоначи лавозимда ишлаб келди. 2009 йилнинг сентябрь ойида туғруқ таътилга чиқди. 2009 йилнинг 1 октябрида эса мукофот пули ёзишди. Лекин пулни беришмади. Сабаби қизим таътилга чиққан экан. Ахир мукофот олинган даврлар учун берилади-ку? Билишимча, туғруқ таътили ҳам иш стажига ўтади-ку? Мукофот пулини беришмагани тўғрими?

Р.Иминова, Асака шаҳри

Меҳнат ҳақи шакли ва тизимлари, мукофотлар, қўшимча тўловлар, устамалар, рағбатлантириш тарзидаги тўловлар жамоа шартномаларида, шунингдек иш беришчи томондан касабани уюшмаси кўмитаси ёки ҳодимларнинг бошқа вакиллик органи билан келишиб қабул қилинадиган бошқа локал ҳўжатларда белгиланади. Бу амалдаги Меҳ-

нат кодексининг 153-моддаси талабидир. Шу билан мукофотни қайси давр учун ва кимларга тўланади оид масалани бевосита қизингиз меҳнат қиладиган иш жойининг ўзида аниқлаштириш лозим.

Гарчи, туғруқ таътили иш стажига кирса ҳам, таътилда бўлган давр ҳодимга мукофот тўлаш шартлигини билдирмайди.

Саволларга ҳўқуқшунос Донйёр Ҳалилов жавоб берди

ҲўРМАТЛИ МУШТАРИЙЛАР!

Ўзингизни қизиқтирган ҳўқуққа оид саволларингиз бўлса бизга мурожаат қилинг. Уларга тажрибали ҳўқуқшунослар жавоб берилади. Саволларингизни «Huquq» газетасининг «info@huquq-gazeta.uz» электрон почтаси орқали юборишингиз ёки (8-371) 233-26-62 телефони орқали мурожаат қилишингиз мумкин.

2010 йил — Баркамол авлод йили

Баркамол авлоднинг ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимояси

(Давоми. Бошланиши 1-бетда)

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 20 августдаги 186-сонли Қарорига асосан вилоятда 808 та корхона, ташкилот ва муассасаларда 5664 та квоталанган иш жойлари барпо этиш юзасидан тегишли ҳокимликларнинг қарорлари қабул қилинган. Шундан, 2795 та квоталанган иш жойлари таълим муассасалари, шу жумладан, касб-хунар коллежлари битирувчиларини ишга жойлаштириш учун ажратилган бўлиб, 2010 йилнинг ўтган даврида 446 нафар битирувчилар ушбу квоталанган иш жойларига ишга жойлаштирилиши таъминланган.

Вилоятда 2009-2010 ўқув йилида 36 та касб-хунар коллежларининг жами 13985 нафар битирувчиларини ишга жойлаштириш бўйича вилоят ўрта махсус касб-хунар таълим бошқармаси билан биргаликда ишлаб чиқилган чора-тадбирларга асосан жойларда корхона, муассаса ва ташкилотлар билан уч томонлама шартномалар тузилмоқда. Бугунги кунда битирувчиларнинг 56 фоизи уч томонлама шартномалар асосида ишга жойлаштирилиши тўғрисида корхоналар билан келишиб олинган.

Жорий йилда ҳар бир туман ва шаҳарлардаги мавжуд коллежларда "Бўш иш ўринлари" ярмаркалари ўтказиш орқали битирувчиларнинг ишга жойлаштишларига кўмаклашиш чоралари ишлаб чиқилган. Ишлаб чиқилган чора-тадбирлар ижроси юзасидан жорий йилнинг 27 апрель кuni Навоий шаҳар бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази биносида ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда "Бўш иш ўринлари" ярмаркаси ўтказилди.

Ушбу ярмаркага Навоий шаҳар ҳудудида жойлашган 70 та корхона, муассаса ва ташкилот-

Президентимиз таъкидлаганидек, ниманики ўз олимизга мақсад қилиб қўймайлик, қандай буюк ишларни амалга оширишга интимайлик, барча олижаноб ҳаракатларимизнинг негизида, барча эзгу ниятларимизнинг замирида фарзандларимизни ҳам жисмонан, ҳам маънавий жиҳатдан соғлом қилиб ўстириш, уларнинг бахту саодати, фаровон келажагини кўриш, дунёда ҳеч кимдан кам бўлмайдиган авлодни тарбиялаш орзуси мужассамдир.

лар 267 та бўш иш ўринлари билан иштирок этди. Мавжуд бўш иш ўринларининг 66 таси юқори малака талаб қиладиган ва 201 таси малака талаб қилмайдиган бўш иш ўринларини ташкил этган. Ярмаркада 264 нафар ишлагани хоҳловчи фуқаролар қатнашиб, улардан 122 нафарига ишга жойлаштириш учун йўланма берилган. Уларнинг 74 нафарини вояга етмаганлар ташкил этган.

Худди шундай, вилоят прокуратураси, вилоят ҳокимлиги, вилоят меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси ҳамда вилоят ўрта махсус касб-хунар таълим бошқармаси билан ҳамкорликда жорий йилнинг 29 апрель кuni Кармана тумани "Иқтисодиёт" касб-хунар коллежи биносида "Бўш иш ўринлари" ярмаркаси ўтказилди.

Ярмаркада туман ҳудудидаги 76 та корхона, ташкилот ва муассасалар ўзларида мавжуд бўлган 305 та бўш иш ўринлари билан иштирок этди. Мазкур ярмаркада 315 нафар иш изловчи фуқаролар қатнашиб, улардан 201 нафарига ишга жойлаштириш учун йўланма берилди. Шундан 109 нафарини вояга етмаганлар ташкил этди, бундан ташқари 21 нафар вояга етмаганларга тегишли ҳуқуқий маслаҳатлар берилди.

Ушбу ярмаркада Кармана туманидаги касб-хунар коллежлари битирувчиларидан 127 нафарини ишга қабул қилиш бўйича 3 томонлама меҳнат шартнома-



лари имзоланди. Улардан 22 нафари Навоий халқаро аэропортига ишга қабул қилинди. Куннинг иккинчи ярмида меҳнат ярмаркаси иштирокчилари Навоий вилотида ташкил этилган эркин индустриал-иқтисодий зонанинг замонавий кўринишида қурилган конференция залида ўтказилган семинарда иштирок этдилар.

Семинарда ишга жойлашувчилар нафақат индустриал-иқтисодий зона ҳақида, балки бу ерда амалга оширилаётган лойиҳалар ва ажратилаётган иш ўринлари борасида етарли маълумотга эга бўдилар. Эркин индустриал-иқтисодий зонада 17 та лойиҳадан 9 таси Корея, Хитой, Уммон, Ҳиндистон, Сингапур Республикалари ва Бирлашган Араб Амирликлари билан ҳамкорликда амалга оширилади. Улардаги ишлаб чиқариш қўшма корхоналарида 1053 та янги иш ўринлари яратилади.

Бугунги кунда эса эркин индустриал-иқтисодий зонада "Шўртан газ-кимё қурилиш" шўъба корхонаси томонидан полиэтилен қувурлари ишлаб чиқарилган заводнинг ишга туширилиши натижасида 77 та янги иш ўринлари ташкил этилган.

Семинарда вилоят ҳокимлиги томонидан таълим муассасаларида эришилаётган ютуқлар ҳақида тўхталиб ўтилиб, "Қамолот" Ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгаши томонидан 2010 йил 28 апрель кuni ўтказилган ўрта махсус касб-хунар таълими муассасалари ўқувчиларининг "Сиз қонунни биласизми?" кўрик-танловининг Республика якуновчи босқичида олий ўринни эгаллаган 2-Навоий академик лицейи жамоаси 10 миллион сўм миқдорда пул мукофоти билан тақдирланди.

Бундан ташқари, "Баркамол авлод йили" Давлат дастури ижроси юзасидан Ўзбекистон Рес-

публикаси Адлия вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" Жамғармаси томонидан "Ҳуқуқ билимдонлари" қувноқлар ва зук-қолар беллашувининг Қарши шаҳрида жорий йилнинг 30 апрель кuni ўтказилган республика финал босқичида Навоий вилоти шарафини ҳимоя қилган Навоий компьютер технологиялари касб-хунар коллежи "Лидерлар" жамоасининг 1-ўринни эгаллаши ҳам вилоятимизда ёшларга яратилган шарт-шароитларнинг муҳим натижасидир.

Шуни таъкидлаш жоизки, вилоятда доимий равишда болалар ва ёшларга оид қонунчиликни такомиллаштириш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда баркамол ривожланиши учун барча шарт-шароитларни яратиш борасида кенг қўламли амалий ишлар амалга оширилмоқда.

Тарбия жула ҳам мураккаб масала ҳисобланади. Аммо бугун оилаларимизда тарбияга етарлича аҳамият берилаяптими? Унда меъёр бўлиши керакми? Этираф этиш лозим, шундай она фарзандлари борки, уларнинг тарбиясини кўрган кишининг баҳридали очилади. Агар оиладаги муҳит фисқу фасодга, товламачиликка тўла бўлса, ўша хонадонда улғайган боланинг келажагини кўз олинмигизга келтириверинг. Ахир, қуш уясида қурганини қилади, деган мақол бежиз айтилмаган-да!

Фарзанд аввало ота-онасига тақдир қилади. Бола ўзи учун намунани осмондан эмас, ўз уйидан, ота-онасидан олади. Аммо ўртак оладиган, ҳавас қилдиганлар нопоқ бўлса, ўз манфаатини, ўз нафсини ўйласаю, вақти келиб шуларнинг барини ўз боласида кўрса, қандай қилиб фарзандини айбали олади? Шундай экан, биз уларнинг бундан-да фаровонроқ яшашини, гўзал ҳаёт кечиришини таъминламоғимиз шарт. Бошқа-

Эртамиз ўз қўлимизда

ча айтганда, фарзандлар тарбиясига эътиборли бўлмоқ жоиз. Уларнинг вояга етиб, комил инсон бўлиб етишишларига ўз ҳиссамизни қўшмоғимиз лозим.

Ўрни келганда бир отанинг ўз жигарпорасига билдирган тилагини келтириш ўринли бўлса керак. "Қара, гулчечаклардан дов-дарахтларгача ҳамма-ҳаммаси жонли нарсалардир. Билгинки, ҳаёт ҳамма ерда бор, ҳар тарафдан сени қўраб олган. Сен ҳаётнинг эркин, шодона оқими билан ўраб олингансан. Демак, сен — инсонсан, мана шу беҳад ва сон-саноксиз

Шоира АШУРОВА,
Жиззах шаҳар прокурорининг ўринбосари

ҳаёт оқимида энг яхшиси, энг гўзали ва энг ақллисан. Ҳаёт оқимида қанчалик чуқур кирсанг, қанчалик кўп билсанг, туншунсан, сенинг рўзинг, сенинг ақлинг шунча бой бўлади".

Таассуфки, бугун орамизда болаларига ана шундай тиллақлар билдирмайдиган ота-оналар ҳам учраб туради. Йўте, деяпсиз-а?

Афсуски буларнинг бари ҳақиқат. Гоҳида "Ўқи, сента фалон пул сарфлаб ўқитаяман. Худо билди, эртага куним сента қолса, ё боқасан ёки кўчага олиб чиқиб ташлайсан", "Бу кетишингда, нари борса оддий ишчи бўласан-да! Ишқилиб сента куним қолмасин", "Биз туғул ўзингни эплаб олсанг ҳам катта гап", қабилидаги гап-сўзларни эшитиб қоламиз.

Бола ота-онасидан бу хилдаги гап-сўзларни кунда, кунора эшитаверса, эртага нима бўлади? Улар "Нега ота-онам менга ишонмайди, наҳотки кўлимдан бир иш келмаса?", деб сиқилмайди, дейсизми? Албатта, қийналади, эзилади, ўз уйига, ота-онасининг бағрига боргани келмай қолади. Меҳрини, муҳаббатни бошқа ерлардан ахтарди. Алақоқибат юрагини эзватган ўша муҳитдан чиқиб кетади. Бундай бола кейинчалик ё ўғри, ё қаллоб, ё бўлмаса яна бошқа бирон-бир жирканч ишлар билан шуғулланадиган кимсга айланади. Даҳшат-а?! Аммо, афсуски бу ҳақиқат.

Шундай экан, фарзандларимизга аввало ўзимиз ўртак бўлайлик. Тўғри йўл кўрсатиш ўзимизнинг бурчимиз эканлигини унутмаган ҳолда, уларга молу дунёни эмас, меҳр-оқибатни, одоб-ахлоқни мерос қилиб қолдирайлик.

Болалар меҳнат ҳуқуқлари ва уни тартибга солиш масалалари

Ёшлар ҳар бир жамиятнинг энг қимматбаҳо негизи ва асосини ташкил этади. Барча авлодларнинг ўзаро узвий алоқада бўлиши ҳар қандай жамият учун муҳим аҳамиятга эга. Чунки, бу бизнинг тинчлигимиз барқарорлигининг муҳим шартини ва бугунги авлоднинг келгуси авлод олдидаги мажбуриятидир.

Усиб келаётган ёш авлоднинг жисмоний ва маънавий камолоти ҳақида гамхўрлик қилиш жамиятнинг асосий ва бирламчи вазифасидир. Зеро, ёшларни жамиятнинг бугунги ва эртанги кўни, келажаги деяр ардоқлашлари бежизга эмас. Шундай экан, уларнинг жисмонан соғлом, ақлан баркамол бўлишидан бутун жамият манфаатдор бўлиб, жамиятнинг ривожланиши ва тараққий этиши кўп жиҳатдан ушбу омилга боғлиқдир. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов ёшлар ҳақида сўз юритиб: "Кўп асрлик тарихий таъриба шундан далолат берадики, жамиятнинг ҳақиқий бойлиги, бу - инсон, инсон авлодидир. Кишилик жамияти эл-юртига, ватанига садоқатли, иймон-эътиқоди бутун, мард ва

жасур, малакаси етук, маънавий юксак инсонлар билан ҳақиқи равишда фахрланади. Бу улугвор бетимсол бойлик ҳар қайси давлатнинг қудратли саломатли манбаидир. Соғлом авлодни тарбиялаш буюк давлат пойдеворини, фаровон ҳаёт асосини куриш деганидир. Биз тарихан қисқа фурсат ичида бошқа соҳаларда бўлгани каби бу борадаги мақсад ва бурчимизни ҳам англаб етдик", - дея таъкидлаган эди.

Бугунги кунда инсоннинг шахсий ҳуқуқларини таъминлаш давлатлар, халқаро ва миллий ташкилотларнинг долзарб ва глобал муаммоларидан бирига айлиниб бормоқда. Уларни таъминлаш ва муҳофаза этиш учун алоҳида қонунлар, концепциялар ишлаб чиқилмоқда.

Болалар меҳнати масалаларига тааллуқли бир қанча халқаро шартномалар мавжуд. Мана шундай халқаро ҳужжатлар қаторига ХМТнинг "Ишга қаёб қилиш учун энг кичик ёш тўғрисида"ги 138-конвенцияси "Болалар меҳнати оғир шаклларини тақиқлаш ва йўқ қилишга доир шошилинч чоралар тўғрисида"ги Конвенция

(Женева, 1999 йил 17 июнь) 2008 йил 8 апрелда ҳуқуқматимиз томонидан ратификация қилинди.

Бундан ташқари Халқаро Меҳнат Ташкилотининг 30 га яқин конвенциялари ва тавсиялари ўзбек тилига таржима қилинди. Бу эса мамлакатда болалар келажақда жамиятга фойда келтирадиган ҳамда инсонларга муносиб турмуш келтириш имконини берадиган ишга эга бўлишида ёрдам бериши, болалар меҳнати оғир шакллари таъминлаш ва уларга барҳам беришни шошилинч равишда таъминлайдиган чора-тадбирларни кучайтириш самарасини беради. Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикасининг меҳнат қончилиги болаларга қўшимча қаролат ва имтиёзларни назарда тутди. Бундай қаролат ва ҳуқуқларни белгилашда меҳнат қончилиги, энг аввало, халқаро ҳуқуқий ҳужжатларга асосланади.

Бирлашган миллатлар Ташкилотининг инсон ҳуқуқлари тааллуқли универсал ҳужжатлари "Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларацияси", Иқтисодий, ижтимоий ва мада-

ний ҳуқуқлар тўғрисидаги Халқаро Пакт, Сиёсий ва фуқаролик ҳуқуқлари тўғрисидаги Халқаро Пакт, Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенция ва бошқалар. Халқаро Меҳнат Ташкилотининг Конвенция тавсиялари мезон вазифасини бажаради. "Бола ҳуқуқлари тўғрисида"ги Конвенциянинг 32-моддасига асосан конвенцияга иштирокчи давлатлар болалар меҳнати учун кундалик ишнинг муддатини аниқлашлари белгиланган.

Бизнинг фикримизча, юқоридаги Конвенция талабларидан келиб чиққан ҳолда вояга етмаганларнинг кундалик иш вақти муддатини белгилаб қўйиш мақсадга мувофиқ бўлади. Меҳнат кодексининг 242-модда 1-қисми "Иш вақтининг муддати ўн олтидан ўн саккиз ёшгача бўлган ходимларга ҳафтасига ўттиз олти соатдан, олти кунлик иш ҳафтасида ҳар кунги ишнинг муддати олти соатдан, беш кунлик иш ҳафтасида етти ярим соатдан ортиб кетмаслиги, ўн бешдан ўн олти ёшгача бўлган шахслар (таътил даврида ишлаётган ўн тўртдан ўн олти ёшгача бўлган ўқувчилар) учун

Худойберди ҚОДИРОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти ҳузуридаги
Давлат ва жамият қурилиши
академияси тингловчиси

эса ҳафтасига йигирма тўрт соатдан, 6 кунлик иш ҳафтасида тўрт соатдан, беш кунлик иш ҳафтасида беш соатдан ортиб кетмаслиги лозим", деб янги тахрирда баён этилиши мақсадга мувофиқдир.

Мазкур муаммо юзасидан қўйидагиларни таъкидлаб ўтсак бўлади: 2001 йилда тасдиқланган Вояга етмаганлар меҳнатидан фойдаланиш тақиқланадиган ишлар рўйхати қайта кўриб чиқиши керак ва ушбу Қарорда келтирилган талаблар амалиётда қанчалик бажарилаётгани қўшма назорат остига олиниши лозим. Халқаро ташкилотларнинг ратификация қилинган шартномалари ва бажарилиши мажбурий бўлган ҳужжатларидаги талаблар ўз вақтида ва тўлиғича бажарилиши, Конвенция талабларидан келиб чиққан ҳолда вояга етмаганларнинг кундалик иш вақти муддатини белгилаб қўйиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Келажагимиз ёшларга боғлиқ

Жаҳон таърибаси шунини кўрсатадики, ҳар қандай тараққийпарвар мамлакатда ёшларга оид сиёсат устувор саналади. Зеро, ҳар қандай давлат келажаги унда камол топаётган ёш авлодга қаратилаётган эътиборга кўп жиҳатдан боғлиқдир.

Мохира АЛИБОВА,
2-Тошкент юридик коллежи ўқитувчиси

қан етук, интеллектуал ривожланган, юқори билимли, жисмонан бақувват ва ҳар томонлама камол топган шахсни шакллантиришга йўналтирилган кенг қўламли изчил чора-тадбирларнинг мантқиқий давоми ҳисобланади.

Мамлакатимиз истиқлолга эришган илк йиллариданоқ вояга етмаганларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш борасида бир қатор қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатлар қабул қилинди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1994 йил 16 июндаги "Болали оилаларга давлат ижтимоий

ёрдами тизимини такомиллаштириш тўғрисида", 1994 йил 23 августдаги "Кам таъминланган оилаларни ижтимоий ҳимоялашни кучайтиришга оид тадбирлар тўғрисида", 1996 йил 10 декабрдаги "Болали оилаларни давлат томонидан қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш тўғрисида", 1999 йил 13 январдаги "Аҳолини аниқ йўналтирилган ижтимоий мадад билан таъминлашда фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари ролинини ошириш тўғрисида"ги Фармонларини бунга аққол мисол қилиб келтириш мумкин.

Парламентимиз томонидан қабул қилинган қонун ҳужжатларида келажақ авлоднинг шахсий, ижтимоий-иқтисодий, маданий ва бошқа соҳалардаги ҳуқуқлари қаролатилган ўз ифодасини топган. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ёш авлоднинг ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини таъминлаш ва ҳимоя қилишга оид 40 га яқин халқаро ҳужжатларнинг иштирокчиси ҳисобланади.


Мамлакатимиз мустақилликка эришганидан сўнг ратификация қилинган дастлабки халқаро-ҳуқуқий ҳужжатлардан бири «Бола ҳуқуқлари тўғрисида»ги Конвенция бўлди. 1992 йилда Конвенцияга қўшилган, Ўзбекистон Республикаси бола ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш бўйича қатор халқаро-

ҳуқуқий мажбуриятларни ўз зиммасига олди. 2001 йилда Ўзбекистон Республикаси ҳукумати БМТнинг Бола ҳуқуқлари қўмитаси тавсияларини бажариш бўйича миллий ҳаракат режасини ишлаб чиқди ва қабул қилди. Мазкур Ҳаракат режаси бола ҳуқуқларини амалга ошириш соҳасидаги қонунчиликнинг қайта кўриб чиқишини назарда тутган. Шу муносабат билан 2007 йил 1 декабрда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн иккинчи ялпи мажлисида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилинган "Бола ҳуқуқларининг қафолатлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни маъқулланиб, 2008 йил 8 январдан кучга кирди.

Бугунги кунда юртимизда амалга оширилаётган ислохотлар жараёни, вояга етмаганлар борасида амалга оширилаётган кенг қамровли ишлар хорижий мутахассислар томонидан ҳам эътироф этилмоқда. Албатта, баркамол авлод тарбияси учун зарурий ҳуқуқий базанинг ўзи етарли деб бўлмайди. Қабул қилинган қонун ҳужжатлари моҳиятини англаб этиш, унга амал қилиш, ижросини таъминлаш муҳим босқич саналади. Бу жараён ҳар бир фуқародан, у зиёли, давлат органи ходими ёки оддий ишчи-хизматчи эканлигидан қатъий назар, улкан масъулият талаб этади.

18 ёшгача бўлган ёшлар умумий аҳолининг 40 фоизини ташкил этган мамлакатимизда вояга етмаганларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг ҳар томонлама баркамол инсон бўлиб вояга етишишлари учун муносиб шарт-шароитларни яратиш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан ҳисобланади. Республикаимизда вояга етмаганлар манфаатларини ҳимоя қилиш борасида кучли ҳуқуқий базанинг яратилгани, самарали ижтимоий ҳимоя тизимининг жорий этилгани, замонавий таълим муассасаларининг барпо этилаётганлиги, вояга етмаганлар ҳамда ёшларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга қаратилган кенг қамровли чора-тадбирларнинг амалга оширилаётганлиги ҳам фикримиз далилидир.

Ўтган йиллар мобайнида "Соғлом авлод йили", "Она ва бола йили", "Сихат-саломатлик йили", "Ёшлар йили" каби Давлат дастурлари ижроси бўйича бу борада амалга оширилган ишларнинг бевосита гувоҳи бўлдик. Жорий йилнинг мамлакатимизда "Баркамол авлод йили" деб эълон қилинганлиги ва шу мақсадда Давлат дастурининг қабул қилинганлиги эса юртимизда соғлом авлодни тарбиялаш, маънавий жиҳатдан бой, ахло-



Ноқонуний қимор ўйинлари учун жавобгарлик



Шухратжон УРИНОВ,
Сурхондарё вилоят прокуратураси
бўлим бошлиғи

"Қимор ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинларни ташкил этиш ҳамда ўтказишни тартибга солиш муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларида ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги 2007 йил 14 сентябрда матбуотда эълон қилинган Қонуннинг ишлаб чиқилиши ва қабул қилинишига Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Қимор ўйинларини ташкил этиш ва ўтказиш билан боғлиқ ноқонуний фаолиятнинг олдини олиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 2007 йил 28-мартдаги 608-сонли қарори, шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг "Қимор ўйинларини ташкил этиш ва ўтказишни янада тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 2007 йил 16 августдаги 176-сон Қарори ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилган.

Ушбу Қонунни қабул қилишдан мақсад мазкур соҳанинг давлат томонидан тартибга солинишини, норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш, ўсмирлар ва ёшлар маънавиятини муҳофаза қилиш, уларни бундай турдаги ўйинларга жалб этишга қўмаклашувчи шарт-шароитларга барҳам бериш, қимор бизнеси ривожланишининг олдини олиш, қимор ва таваккалчиликка асосланган ўйинларни ноқонуний равишда ташкил этиш ва ўтказиш учун, шунингдек, қиморхоналарни сақлаб турганлик учун жавобгарликни оширишдан иборатдир.

Қонуннинг 1-моддаси биринчи бандига биноан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг қимор ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинларини қонунга хилоф равишда ташкил этиш ва ўтказиш учун жавобгарликни назарда тутувчи 278-моддаси янги тахрирда берилган.

Унга биноан: ушбу модданинг биринчи қисми санкциясида мазкур ўйинларни қонунга хилоф равишда ташкил этиш ёки ўтказиш, қиморхоналар ташкил этиш ёки уларни сақлаш учун етти йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси белгиланган;

мазкур турдаги жиноятнинг такроран ёки хавфли рецидивист, уюшган гуруҳ томонидан содир этилишининг ижтимоий хавфлилигини эътиборга олиб, етти йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазосини назарда тутувчи иккинчи қисм билан тўлдирилган;

ўсмирлар ва ёшлар маънавиятини муҳофаза қилиш, уларни бу турдаги ўйинларга жалб этишга қўмаклашувчи шарт-шароитларга барҳам бериш эҳтиёжидан келиб чиқиб, вояга етмаган шахсни қимор ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинларга жалб қилганлик учун энг кам ойлик иш ҳақининг йигирма беш бараваридан эллик бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд тўрт ойгача қамоқ жазосини назарда тутувчи учинчи қисм билан тўлдирилган;

телекоммуникация тармоқларида, Интернет жаҳон ахборот тармоғи провайдерлари томонидан хизматлар кўрсатганлик, тегишли дастурий таъминотдан нусха кўпайтириш, тарқатиш учун жавобгарликни назарда тутувчи тўртинчи қисм билан тўлдирилган.

Шунингдек, суд-тергов амалиётида бир хил қўлланишини таъминлаш мақсадига Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг сак-

кзинчи бўлимидаги "қимор ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйин" атамасининг ҳуқуқий маъноси берилган.

Қимор ва таваккалчиликка асосланган ўйинларда ўйин тасодифга, иштирокчиларнинг қобилияти, эпчиллиги ва бошқа сифатларга боғлиқ бўлади. Бундан ташқари, бундай ўйинлар қимор ва таваккалчиликка асосланган ўйин деб топилгани учун ютуқ тикиб ўйналиши талаб қилинади.

Қонуннинг 2-моддаси биринчи бандига асосан, МЖТКнинг 191-моддаси (қимор ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинлар) янги тахрирда берилган бўлиб, унга биноан қимор ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинларда иштирок этганлик, вояга етмаган шахсларнинг қимор ўйинларида иштирок этганлик, телекоммуникация тармоқларида қимор ўйинларини ташкил этганлик ёки ўтказишга хизмат кўрсатганлик учун маъмурий жавобгарлик назарда тутилган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг юқорида кўрсатилган Қарори билан 2007 йил 1 сентябрдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси ҳудудда тиражи, бир даҳлади ва рақамли лотереялардан ташқари, қимор ўйинлари ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйин-

ларни ташкил этиш ва ўтказиш таъқиқланган. Шундан келиб чиқиб, қонуннинг 3-моддаси бўйича Фуқаролик кодексининг 984-моддаси янги тахрирда баён этилиб, давлат томонидан лотереялар ўтказишининг ўзига хос хусусиятлари кўрсатилган ва мазкур модданинг "тотализаторлар ва бошқа ўйинлар" сўзлари, яъни тақиқланган ўйинларни ташкил этиш билан боғлиқ бўлган ҳуқуқий муносабатларни тартибга солувчи нормалари чиқарилган.

Қимор ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинларни ташкил этиш ҳамда ўтказишни тартибга солиш муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларида ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилиниб, қонунчилик такомиллаштирилмоқда. Мазкур соҳа билан боғлиқ жиноятларнинг олдини олиш, ёшларимизни қимор таъсиридан ҳимоя қилишга хизмат қилмоқда.

Афсуски, айрим фуқаролар ёшларни бундай турдаги ўйинларга жалб этишга қўмаклашувчи шарт-шароитларга барҳам бериш ўрнига, ўймай даромад орттириш мақсадида жиноятга қўл урмақдалар.

Эътиборингизни бир жиноят иши тафсилотларига қаратмоқчи:

... "Қизирқ футбол клуби" раҳбари бўлиш Б.Мирзаев та-

ниши А.Тўраев билан олдиндан жинорий тил бириктириб, 2009 йил 2 март куни "Бахтли воқеа" пул-буям лотерея ўйинини ўтказиш бўйича ўзаро шартнома тузган. Сўнгра ушбу жинорий ҳаракатга гуё қонуний тус бериб, шартнома асосида тумандаги омма тўпланадиган турли жойларда "Бахтли воқеа" пул-буям лотерея ўйинини ўтказишни ташкиллаштирган.

Жорий йилнинг 17 январь куни Қизирқ туманидаги "Ихтисослашган мол бозори" МЧЖ ҳудудида туман прокуратураси, СВОЖДЛҚК Департаментининг туман бўлими ва ИИБ ходимлари билан ҳамкорликда ўтказилган тадбирда фуқароларни жалб қилган ҳолда "Бахтли воқеа" пул-буям лотерея ўйинини ўтказётган А.Тўраевнинг ноқонуний фаолиятига чек қўйилди. Ўйинни ўтказишда фойдаланилган 18 донга ўйин билети, 90 донга саноқ тошлари ва 16800 сўм пул ашёвий далил сифатида олинган.

Б.Мирзаев ва А.Тўраевларга нисбатан қўзғатилган жиноят иши бўйича тергов ҳаракатлари олиб борилиб, судга ўтказилган. 2010 йил 11 март куни жиноят ишлари бўйича Қизирқ туман судининг ҳукмига кўра Б.Мирзаев ва А.Тўраевлар ЖКнинг 278-моддаси 2-қисми "а" бандида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбл деб топилдилар ва уларга тегишли жазо тайинланди.

Мендан кетгунча, эгасига етгунча

Мурожаатлар асоси ва асосиз бўлиши мумкин. Фуқароларнинг асоси мурожаатлари, бузилган ҳуқуқларини тиклаб беришни сўраб ёзган ариза ва шикоятлари жойларда қонунийликнинг ҳолатини кўзгудаги каби акс эттирмади. Баъзан асоси мурожаатлар таҳлил қилиниб, умумлаштирилганида, амалдаги муайян қонуннинг номукаммал ҳужжатлари кўзга ташланиб, ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ёки янги қонун қабул қилиш ташаббусини илгари суришга туртки беради.

"Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги Қонунга мувофиқ тақлиф, ариза ва шикоятлар келиб тушган муассаса ёки идора томонидан тегишли вақт мобайнида кўриб чиқилиши ва натижаси ариза муаллифларига етказилиши зарур. Бироқ, жойлардаги масалани ҳал этиш ваколатига эга корхона, ташкилот, давлат муассасаларига қилган мурожаатлари сансалорликка солинган, кўриб чиқилмаган ёки ҳал

этилмаган муаллифлар юқори ҳокимият органларига арз қилишга мажбур бўлишмоқда.

Шаҳар ва туман ҳокимликларининг маъсул раҳбар ва ходимлари мурожаат атрофида ўрганилиб, қонуний ҳал этилишини назоратга олишлари лозим. Афсуски, ушбу талабга риоя қилинмаган, назоратсизлик туфайли мурожаат ҳал этилмай, фуқароларнинг ҳақли эътирозларини, бошқарув идораларига нисбатан ишончсизликни келтириб чиқарган ҳолатлар бот-бот учрамоқда.

Айрим туман ва шаҳар ҳокимликларида мурожаатлар тегишли тартибда китобга қайд этилмаслиги натижасида белгиланган мuddатларда кўриб чиқилмаган, муаллифларига жавоб берилмаган. Мурожаатлар бевосита ҳал этувчи тегишли идорага ўз вақтида юборилмаган. Хусусан, фуқаро А.Маҳкамовнинг тадбиркорлик билан шуғулланиш учун яшаш жойидан 0,01 га ер майдони ажратишни сўраб, Учкўприк туман ҳокимига ёзган аризаси ўн олти кун мобайнида ҳаракатсиз ётган. Кейин ҳоким ўринбосари А.Тургунов томонидан туман архитектура ва қурилиш бошқар-

масига чиқарилган-у, ариза муаллифига маълум қилинмаган. 2009 йил мобайнида туман ҳокимлиги тегишлилигига кўра бошқа идораларга юборган 157 та аризаларнинг эгаларига бу ҳақда хабар берилмаган.

Ўзбекистон туман ҳокимининг биринчи ўринбосари О.Уматов "Урмонобод" фермер хўжалиги раҳбари М.Отажоновнинг бўш турган ер майдонига бошқоқ донни қайта ишлаш цехи қуриш учун рухсат сўраб ёзган аризасини 2 ой мобайнида кўриб чиқишга вақт тополмаган бўлса керак.

Қўқон шаҳар ҳокимлигига топширилган А.Хўқандий мавзеси, 1-уйда яшовчи фуқароларнинг аризаси текшириш учун мутахассис Р.Исановга топширилган бўлса-да, кўриб чиқилмагани етмагандек, жавоб ҳам берилмаган.

"Тараққиёт-2001" МЧЖ раиси А.Тўйчиев, шаҳар ҳудудидаги фермер хўжа-

ликларининг раҳбарлари К.Қодиров ва М.Мирзаназаров, фуқаро С.Маҳмадова ва бошқаларнинг Фаргона шаҳар ҳокимлигига ёзган аризалари қонуний ҳал этилмаган.

Ёзёвон туман ҳокимлигида мурожаатларни қайд этиш китоби юритилмаган. 2010 йилда келиб тушган 160 та ариза рўйхатга олинмаган, ўз вақтида ижроичлар ёки тегишли идораларга топширилмаган.

Қува туман ҳокимлигида айрим фуқароларнинг мурожаатлари эътиборсиз қолдирилган. Чунотчи, "Дўстлик" маҳалласи аҳлининг фуқаро И.Ҳайдаров ўзбошимчилик билан кўчанинг бир қисмини ҳовлисига қўшиб олиб, одамлар ўтиб юрган йўлакни тўсиб қўйгани тўғрисидаги аризаси бош меъмор А.Исманов томонидан ўрганилган. И.Ҳайдаровдан йўлакни очиб қўйишга розилиги олингани тўғрисидаги "хушхабар" — жавоб хати туман ҳокимлиги ва мурожаат муаллифларига юборилган. Лекин йўлак тўсиқлигича қолаверган, маҳалла аҳли такроран туман ҳокимлигига мурожаат қилган. Ушбу мурожаат кўриб чиқилмасдан, аризаларга муқаддам бош меъмор берган жавоб хати такроран жунатилган. "Мендан кетгунча, эгасига етгунча" қабилидаги юзакчи иш оқибатида йўлак низоси ҳал этилмай, баттар чигаллашган.

(Давоми 12-бетда)


Тадбиркорлик фаолияти

унинг конституциявий-ҳуқуқий кафолатлари

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгач, эркин бозор иқтисодиёти қонуниятларига асосланган демократик жамият барпо этиш йўлини танлади. Мустақиллик йилларида давлатимизда дунёнинг кўплаб мамлакатлари билан ҳар томонлама ва кенг қамровли ҳамкорликда иш олиб бориб, иқтисодиётни ислоҳ қилишда кўзга кўринarli натижаларга эришилди. Бозор иқтисодиётининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириб бориш, шу соҳадаги қонунийликни тартибга солиш ва такомиллаштиришга тизимли ёндашиш бугунги кун талабидир. Зеро, бозор иқтисодиёти шароитида тадбиркорлик субъектлар давлат иқтисодий ривожланиши ва барқарорлигини таъминлашнинг муҳим бўғини бўлиб ҳисобланади.

Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, тадбиркорлик фаолияти яхши ҳуқуқий база мавжуд бўлган тақдирда ҳам мақбул шароит яратилган бўлмаса, етарли даражада ривожланмайди. Мақбул шароит эса мукамал, амалга ошириш механизми содда бўлган ҳуқуқий база билан бевосита боғлиқдир. Уларнинг боғлиқлигини қонуний бўлиши мақбул шароитга раҳна солишда ҳам қўришимиз мумкин. Лекин мақбул шароит тушунчаси кенг қамровли тушунча бўлиб, ўз ичига қонунийликнинг моҳиятини белгилаб берувчи, шунингдек, гайриқонунийликка қарши курашнинг энг умумий тамойилларини қамраб олади.

Ҳуқуқий демократик давлатда ҳар қандай соҳанинг ривож мустаҳкам ҳуқуқий базага боғлиқлиги сабабли, республикамизда тадбиркорлик фаолиятининг ҳуқуқий асосларини яратиш ва такомиллаштириш юзасидан босқичма-босқич, изчил, жиҳдий ва салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. Давлатимиз раҳбари Ислам Каримов таъкидлаганидек, "Барқарор бозор иқтисодиёти очик ташқи сиёсатга асосланган кучли демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этиш пировард мақсад бўлиб қолиши керак. Шундай жамиятгина Ўзбекистон халқининг муносиб турмушини, унинг ҳуқуқлари ва эркинлигини кафолатлаши, миллий аъёналар ва маданият қайта тикланишини, шахс сифатида инсоннинг маънавий-ахлоқий камол топишини таъминлаши мумкин". (Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёти йўли // Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. - Тошкент: Ўзбекистон, 1996. - Б. 39.)



Мамлакатимизда фуқаролик жамияти асослари шаклланиб боргани сари, демократик принциплар ҳам ривожланиб бормоқда. Айниқса, иқтисодиётни эркинлаштириш ҳамда тадбиркорликни ривожлантиришнинг ҳуқуқий асослари тобора мустаҳкамланмоқда. Тадбиркорлик фаолиятини янада эркинлаштириш, тадбиркорларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш чора-тадбирларини такомиллаштириш, уларнинг эркин, ҳеч қандай тўсиқларсиз ўз фаолиятларини олиб боришлари учун ҳуқуқий база ва реал имкониятлар яратиш мақсадида давлатимиз томонидан кенг қамровли ишлар олиб борилмоқда. Буларни амалга оширишнинг кўзлаб бугун мамлакатимизда бир қатор Қонун ости меъёрий ҳужжатлар қабул қилинган. Шунингдек, мавжуд муаммоларни қонун йўли билан ҳал қилиш бўйича ҳам бир қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикасида турли шаклдаги мулклар тенг ҳуқуқий мавқега эга бўлганлиги ва ана шу мулкларга нисбатан муносабатнинг тубдан ўзгарганлиги тадбиркорликнинг ривожланишига сабаб бўлмоқда. Энг аввало, тадбиркорлик фаолиятининг ҳуқуқий кафолати Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 53-моддасида "Бозор муносабатларини ривожлантиришга қаратилган Ўзбекистон иқтисодиётининг негизини хилма-хил шакллардаги мулк ташкил этади. Давлат истеъмолчиларнинг ҳуқуқи устунлигини ҳисобга олиб, иқтисодий фаолият, тадбиркорлик ва меҳнат қилиш эркинлигини, барча мулк шаклларидаги тенг ҳуқуқлилигини ва ҳуқуқий жиҳатдан баббаравар муҳофаза этилишини кафолатлайди. Хусусий мулк бошқа мулк шакллари каби дахлсиздир. Мулкдор фақат қонунда назарда тутилган ҳолларда ва тартибдагина мулкидан маҳрум этилиши мумкин"

эканлиги белгилаб қўйилган.

Бундан ташқари тадбиркорлик фаолияти эркинлигини мустаҳкамлаш ва уни ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилувчи амалдаги қонунларда, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва ҳукуматимизнинг ислохотларни чуқурлаштириш ҳамда иқтисодиётни янада эркинлаштиришга қаратилган фармонлари ҳамда қарорларида белгилаб берилган чора-тадбирлар жамиятини демократлаштириш ва янгилаш, бозор ислохотларини чуқурлаштириш, иқтисодиётни янада эркинлаштириш бўйича амалга оширилган кенг кўламли ишларнинг, стратегик вазифаларнинг мантаний, изчил давом бўлиб, ушбу қонун ҳужжатлари билан тадбиркорлар фаолиятини текширишлар сони кескин камайtirилди.

Тадбиркорлик фаолияти кафолатларига доир қонунлар, жумладан, Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 24 декабрда қабул қилинган "Ҳужалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида", 2000 йил 25 майдаги "Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида", 2006 йил 25 февралдаги "Тадбиркорлик субъектларини текширишлар сони қисқартирилганлиги ҳамда текширишлар тизими такомиллаштирилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида", 2006 йил 21 сентябрдаги "Солиқ маслаҳатчиси тўғрисида", 2006 йил 10 октябрдаги "Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш ва уларнинг молиявий жавобгарлигини эркинлаштириш тўғрисида"ги Қонунлари мамлакатимизда тадбиркорлик субъектлари ривожига қонуний асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Айтиб ўтиш жоизки, Юртбошимиз томонидан қабул қилинган бир қатор меъёрий

ҳужжатлар, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1995 йил 5 январдаги "Хусусий тадбиркорликда ташаббус кўрсатиш ва уни рағбатлантириш тўғрисида", 2005 йил 11 апрелдаги "Тўғридантўғри хусусий хорижий инвестицияларни жалб этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида", 2005 йил 14 июндаги "Бозор ислохотларини чуқурлаштириш ва иқтисодиётни янада эркинлаштириш соҳасидаги устувор йўналишлар амалга оши-

рилишини жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида", "Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида", 2005 йил 20 июндаги "Микрофирмалар ва кичик корхоналарни ривожлантиришни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида", 2005 йил 24 июндаги "Тадбиркорлик субъектларининг ҳужалик соҳасидаги ҳуқуқбузарликлари учун молиявий жавобгарлигини эркинлаштириш тўғрисида"ги Фармонлари; 2005 йил 15 июндаги "Тадбиркорлик субъектлари томонидан тақдим этилган ҳисобот тизимини такомиллаштириш ва уни гайриқонуний талаб этганлик учун жавобгарликни кучайтириш тўғрисида", 2005 йил 21 сентябрдаги "Тадбиркорлик фаолияти юришти учун руҳсатнома турларини қисқартириш ва уларни бериш тартиби-қоидаларини соддалаштириш тўғрисида"ги Президент Қарорлари мамлакатимизда том маънодаги бозор иқтисодиёти муносабатлари изчил ривожланишида муҳим ўрин тутиб келмоқда.

Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 10 сентябрдаги "Кичик корхоналар, деҳқон ва фермер ҳўжаликларини маблағ билан таъминлаш, уларга божхона имтиёзлари бериш, банк хизматлари ва бошқа хизматлар кўрсатиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида", 2003 йил 20 августдаги "Тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш учун рўйхатдан ўтказиш тартибларини тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида", 2004 йил 12 августдаги "Тижорат фаолияти учун мўлжалланган товарларни олиб келувчи жисмоний шахсларни рўйхатдан ўтказиш тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарорлари ҳам шулар жумласидандир.

Юқорида айтиб ўтганимиздек, тадбиркорлик, ишбилар-

С.АЧИЛОВ,
Ўзбекистон Республикаси Бош
прокуратурасининг Олий ўқув
курслари тинловчиси

монлик учун мукамал ҳуқуқий база, мақбул шароит яратилгандагина у етарли даражада ривож топади. Шу маънода, мамлакатимизда ишбилармонлар учун яратилаётган имтиёзлар халқимиз турмуш фаровонлигини яхшилаш, кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик фаолиятининг кенг истиқбол йўлга чиқиб олиши учун асосий мезон бўлаётганлигини яхши англаб олишимиз керак. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 14 июндаги "Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 3619-сонли Фармони асосида текшириш ўтказиш тартибини ва тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқларини ҳамда қонуний манфаатларини бузганлик учун жавобгарлик масаласига бир қатор қўшимча ва ўзгаришлар киритилди. Чунончи, Фармон қабул қилинишидан олдин текшириш ўтказиш жараёнида текширишларни тартибга солишга доир қонун ҳужжатлари талаблари бузилган тақдирда назорат қилувчи органларнинг мансабдор шахслари интизомий ва маъмурий жавобгарликка тортилар эди. Фармон қабул қилингандан кейин эса назорат органларининг раҳбарлари ва мансабдор шахслари тадбиркорлик субъектларида ўз ваколатлари ва назорат соҳаси доирасидан ташқари масалалар бўйича ҳар қандай текширувлар ўтказганлиги учун шахсан жавобгар, ҳатто жиноий жавобгар ҳам бўлиши белгиланди.

Мазкур Фармон асосида текширишларни ўтказиш тартибига ҳам ўзгаришлар киритилди. Яъни Фармон қабул қилинишидан олдин назорат қилувчи органлар томонидан муқобил текширишлар жараёнида тадбиркорлик субъектларини текшириш ва улардан ҳар хил ҳужжатлар талаб этиш, ҳаттоки, бошқа масалалар юзасидан ҳам текшириш ўтказиш ҳолатларига йўл қўйилган эди. Фармон қабул қилингандан кейин муқобил текширишларни ўтказиш чоғида тадбиркорлик субъектларини текшириш ва улардан текширишга тааллуқли бўлмаган молия-бухгалтерия ёки бошқа ҳужжатларни талаб қилиш ман этилди.

Турли текширишларнинг йилдан-йилга камайиши, уларнинг режа асосида белгиланган муддатларда ўтказилиши тадбиркорларга эркин фаолият олиб бориш имконини бермоқда. Халқимизнинг тадбиркорлик ва ишбилармонлик сифатларига эга бўлган вакилларига имтиёз ва имкониятлардан оқиллона фойдаланиш шароитини яратмоқда.

Экологик фалокат оқибатлари

CNN агентлиги ОҚ уйдаги расмий манбага таянган ҳолда тарқатган хабарда айтилишича, АҚШ Президенти Барак Обама Мексика ҳавзасида содир бўлган нефть оқиши билан боғлиқ ҳодисани текшириш бўйича президент комиссияси ташкил этиш ҳақидаги Фармонни имзолаш арафасида турибди. АҚШ Президенти мазкур эксперт гуруҳини тузиш ҳақидаги ҳужжатни қачон имзолаши ҳозирча маълум эмас, лекин 17 май куни Сенатнинг сўзсиз нафар аъзоси унинг ташаббусини қўллаб-қувватлаб чиққан.



Эслатиб ўтамиз, нефть қазиб олувчи Deepwater Horizon платформасида 20 апрелда портлаш юз бериб, 11 киши фалокат қурбонига айланган эди.

Экспертлар нефть қазиб олишни лицензиялашда ва платформадан, шу жумладан, чўкиб кетган Deepwater Horizon платформасидан фойдаланишда BP компанияси томонидан бир қатор қонунқоидаларга амал қилинмаганлигини аниқлашди. BP компанияси вакилларининг маълум қилишича, зудлик билан қўрилган чоралар натижасида шикастланган қудуқдан сувга нефть оқиб чиқиши 20 фойга камайтирилган.

Компания ҳисоб-китобига кўра, экологик ҳалокат оқибатларини бартараф этишга кетадиган харажатлар миқдори 625 миллион долларни ташкил этмоқда. Компания бу харажати тўлашни ўз зиммасига олган. Унинг интернет сайтида хабар қилинишича, бу пуллар океанини тозалаш дастурини молиялаштиришга, Американинг жанубий штатларига етказилган зарарини ва қўллаб-қувватловларини қоплашга йўналтирилди.

— Бу бизнинг уйимиз, нефть оқимини бартараф этиш ва соҳилларни авария оқибатларидан муҳофаза қилиш учун зарур бўлган барча чораларни кўрамыз, — дея маълум қилди BP компанияси директори Тони Хэйвард.

Порахўрлик учун

Хитойлик магнат Хуан Гуанюй порахўрлик ва қимматбаҳо қоғозлар билан ноқонуний операцияларни амалга оширганлиги учун 14 йил муддатга қамок жазосига ҳукм қилинди. Бундан ташқари Синьхуа ахборот агентлиги хабарига қараганда, бунга қадар Хитойнинг энг бадавлат кишии деб эътироф этилган Хуанга 88 миллион доллар жарима солинган.

У узининг бизнесини бошлаганда ҳали ҳеч кимга танилмаган эди. Гуанюй бизнесдаги фалиятининг ўттиз йили давомида бутун мамлакат бўйлаб 1300 дан ортиқ савдо дўкони очиб улгурди. Унинг дўконлари тармоғи маиший техника воситалари савдосига ихтисослашган бўлиб, катталиги жиҳатидан Хитойда иккинчи ўринда турарди. Магнатнинг сармоси 2,7 миллиард доллардан 6,3 миллиард долларгача баҳоланган.



Икки йил аввал эса Хуан энг бой хитойликлар рўйхатида қарвонбошилиқ қилаётганди. Орадан кўп ўтмай у қамоққа олинди. Хуан икки компания, шу жумладан, турдош компания доирасида ноқонуний тарзда қимматбаҳо қоғозлар операцияси билан шуғулланганликда ҳамда порахўрликда айбланди.

Оролда фавқулодда ҳолат

Кеча ИТАР-ТАССдан олинган хабарда айтилишича, Япониянинг жанубий Кюсю оролида жойлашган Миядзак префектурасида оқсим касаллиги авж олганлиги муносабати билан фавқулодда ҳолат эълон қилинган. Ҳозирча 126 та ҳўжаликда касаллик тарқалгани аниқланган бўлиб, 114 минг бошдан ортиқ сигир, чўчка ва бошқа уй ҳайвонларини йўқ қилишга тўғри келади. Касаллик ноёб зотдор ҳисобланган "Миядзак" новвосларига ҳам юққан. Маълумки, бу новвосларнинг гўштини кўпчилик мижозлар дундаги энг мазали таом сифатида истеъмол қилади ва Япониянинг фахри деб билади. "Юқумли касаллик Кюсю оролининг бошқа туманлари ва бутун мамлакатга тарқалишига йўл қўйиб бўлмайди", дейилади префектура ҳокимининг хабарида. Лекин хабарда ҳозирча оқсим хуружини тўхтатиб қолишнинг имкони йўқлиги ҳам таъкидланган.



Лўттибоз таксичилар

Йўловчиларга асоссиз равишда ошириб кўрсатилган йўл ҳақи ҳисобларини тақдим этганлиги учун юзлаб нью-йорклик таксичилар тез орада суд олдида жавоб беришларига тўғри келади. Бунинг оқибатида 600 нафардан зиёд такси ҳайдовчиси рухсатномасидан маҳрум бўлиб, ҳар бири камида 5 минг доллардан жаримага тортилдиши мумкин.

Шаҳар ҳокимияти маълум қилишича, барча шаҳарлик таксичиларнинг деярли ярми (22 минг нафари) ҳеч бўлмаганда мижозларини бир марта бўлса ҳам чўв туширган. Тергов уч йил ичида 88 нафар ҳайдовчи ўз мижозларини 500 мартадан кўпроқ, қолганлари эса камида 50 марта алдаганини кўрсатди. Умуман, йўловчилар шаҳар бўйлаб таксида юриш учун 1,1 миллион доллар ортқиқча ҳақ тўлашган.

Шу йилнинг март ойида ҳайдовчилар Нью-Йорк аҳолисини ва меҳмонларни шаҳар ичкарисидagi манзилларга етказиб қўйганликлари учун аксарият ҳолларда ҳисоблагичларда шаҳар ташқарисига белгилабган йўл ҳақи таърифини кўрсатишгани йўловчиларни шилиш билан боғлиқ машамшаларга сабаб бўлганди. Бу можародан сўнг шаҳар ҳокимияти вакиллари ҳар бир машинага хабар берувчи ускуна ўрнатишга мажбур бўлишди. Эндиликда йўл ҳақи ошириб кўрсатилган вазиятларда Нью-Йоркдаги барча такси автомобилналари салонига ўрнатилган йўловчилар кўз ўнгидagi телевизор экранидa тегишли огоҳлантириш пайдо бўлади.



Овдаги тасодиф


"Газпром" ОАЖ касабa уюшмалари ташкилотининг раҳбари Владимир Бабкин "эҳтиётсизлик оқибатида ўлимга сабаб бўлганликда айбланди", деб хабар беради "Право.ру". Ҳодиса 2010 йилнинг 19 февралда ов пайтида содир бўлган эди. Ушунда "Газпром-Надим" компанияси бош директорининг уринбосари Константин Павлов айбланувчининг тасодифий қурбонига айланганди.

Тергов фаразига кўра, Бабкин ов чоғида ўлжани кўрмаган, ёввойи чўчка дея ўйлаб товуш чиққан томонга қарага ўқ узган. Отилган ўқ Павловнинг қорнига бориб теккан. Кейинчалик Павлов касалхонада вафот этган. Терговда бир қатор ҳолларда техника хавфсизлиги талаблари бузилгани аниқланди. Аввал хабар қилинганидек, ов иштирокчилари буғунги отиб ўлдиришганга, йилнинг бу мавсумида ов қилиш тақиқланганига ҳам терговда ойдинлик киритилди.

"Газпром" Бабкин билан боғлиқ воқеаларни шарҳлашдан бош тортиди. Фақат шу нарса маълум қилиндики, касабa уюшма етказуви ўз вазифасини бажаришни давом эттирмоқда. Ундан бошқа жойга кетмаслик ҳақида тилхат олинган.

Муҳолифат етакчилари таслим бўлишди

Бангкок марказидagi "муҳолифатчилар шаҳарчаси"да жойлашган ҳукуматга қарши "қизил кўйлақлар" ҳаракатининг етакчилари қон тўкилиши яна давом этмаслиги учун намойишни тарқатиб юбориш ва ҳукуматга таслим бўлишга қарор қилишди. РИА Новости мухбирининг хабарига кўра, Демократия учун бирлашган фронтнинг етти нафар етакчиси март ойи бошидан буён Бангкокда Апхисит Ветчавива ҳукуматининг истеъфога чиқишини ҳамда парламент тарқатиб юборилишини ва муддатидан олдин сайловлар ўтказилишини талаб қилиб, оммавий намойишлар уюштиратган эди. Улар минбарда туриб ҳукуматга таслим бўлганликларини эълон қилишди. Айна пайтда улардан тўрт нафари, шу жумладан, Наттхавут Сайкия ва Чатупхон Промпхан минбардан 300 метр узоқликда жойлашган миллий полиция бош бошқармаси биносига келиб, таслим бўлишди.



Янги бош мураббий

Футбол бўйича Россия терма жамоасининг янги бош мураббийи Дик Адвокат билан 4 йиллик муддатга шартнома тузилди. Бу ҳақда Россия футбол уюшмасининг президенти Сергей Фурсенко маълум қилди.

"Шартноманинг молиявий шартлари ошкор этилмайди, лекин Адвокат оладиган ҳақ ундан олдинги бош мураббий Гус Хиддинкинкидан кам эмас. Шартномада ўриндошлик асосида терма жамоада ва бошқа бирор-бир клубда ишлаш назарда тутилмаган, — дея таъкидлаб ўтди РФУ раҳбари. — Адвокат Россия чемпионатининг барча ўйинларини кузатиб боради. Бизнинг вазифамиз — 2012 йилги Европа ва 2012 йилги жаҳон чемпионатининг финал босқичларига чиқишдан иборат".

Шунингдек Фурсенко Адвокат штабига Александр Бородюк ва Николай Писарев киритилганини ҳам маълум қилди. Бельгия қироллик футбол уюшмаси эса мамлакат терма жамоасига қисқа муддат мураббийлик қилган голландиялик мутахассисдан йирик миқдорда бадал ундиришни мўлжаллаб турибди. Мавжуд маълумотларга қараганда, унинг миқдори 1 миллион еврога етиши мумкин. Маълумки, Дик Адвокат 2010 йилнинг 1 январидан кучга кирган қироллик футбол уюшмаси билан шартномани муддатидан илгари бекор қилган эди. Шартнома шартларига кўра унинг ойлик маош миқдори 600 миң еврони ташкил қилиши керак эди. Айна пайтда қироллик футбол уюшмаси Адвокатни мураббийлик рухсатномасидан маҳрум этганини сўраб, ФИФАга мурожаат қилмоқчи бўлди, бироқ уриниши бефойда кетишини билиб, бу фикрдан қайтди.

Қоқшол хуружи

Тожикистонда республиканинг жанубий-ғарбий туманларида, шунингдек, Душанбеда тарқалган қоқшол ўчоқларини бартараф этишнинг ҳозирча иложи бўлмаган. Соғлиқни сақлаш вазирлиги хабарида айтилишича, бугунги кунда республикада хавфли юқумли касаллик юққан бўлиши шубҳа қилинган 409 нафар бола ва ўсмир рўйхатга олинган. Шу билан бирга ИТАР-ТАСС мухбири билан суҳбатда республика иммунопрофилактика марказининг бошлиғи Шамсиддин Жобиров хозирга қадар 84 нафар киши қоқшолга чалинган лаборатория текширувида аниқланганини таъкидлаган. Даволашнига юборилганларнинг уч нафари вафот этган.

«ROYTAXT AUKSION» ДУК «Хуқуқ» газетасининг жорий йил 21 январдаги 3-сонида берилган эълонига қўйидаги ўзгартиришлар киритилганини маълум қилади:

"ENGILSANOATSERVIS" унитар корхонаси тасарруфидоги, Тошкент шаҳар, Яккасарой тумани, У.Носир кўчаси, 53 "б"-уй манзилида жойлашган фаолият тугатилган "Ўзбектекстильмаш" ишлаб-чиқариш бirlашмасига қарашли бўлган, асбоб-ускуналари билан биргаликда (ер ости кабелидан ташқари) қўйидаги ишлаб турган трансформатор подстанциялари:

- ТП-2 52 914 947,2 сўм,
- ТП-3 126808545,5 сўм бошланғич нархлар билан 2010 йил 27 майдан ҳафталанаринг пайшанба кунлари ўтказилган аукцион савдоларига қўйилиши давом эттирилганлигини;
- ТП-1 125 367 372,1 сўм,
- ТП-4 34 651 484,6 сўм,

- ТП-5 33 884 000 сўм,
- ТП-8 31 278 000 сўм,
- ТП-10 3 224 948,6 сўм бошланғич нархлар билан 2010 йил 24 июндан ўтказилган нарх ўсиб бориш тартибидоги очиқ аукцион савдоларига қўйилиши маълум қилади.

Мазкур объектлар, олди-сотди шартномаси тузилган кундан 10 кун муддат ичда сотилиш нархининг камида 25% ни тўлаша, сотиб олиш тўловларини 1 йилдан ошмаган муддатда амалга ошириш шартлари билан сотилади.

Савдоларда қатнашиш учун закалат пули объект бошланғич нархидан 10% миқдорда "ROYTAXT AUKSION"-ДУКни АТИБ "Ипотека-банк"нинг Шайхонтоҳур филиалидаги ФА 00425, СТИР

204399967, 2021000004243151002 ҳисоб рақамига тўланади.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар белгиланган муддатларда қўйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари:

- аукцион савдоларида қатнашиш учун буюртма икки нусхада;
- закатла ҳақидаги келишув;
- закатла тўланганлигини тасдиқловчи тўлов ҳужжати нусхаси;
- ҳуқуқи шахслар - давлат рўйхатидан ўтганликлари ҳақидаги гувоҳнома нусхаси, аукцион савдоларида ишончли вакил қатнашишида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома;
- жисмоний шахслар - паспорт нусхаси, аукцион савдоларида ишончли вакил қатнашишида белгиланган тартиб-

да расмийлаштирилган ишончнома.
Буюртмаларни қабул қилиш қўйида келтирилган манзилда эълон топ этилган кундан бошланади ва савдо кундан бир кун аввал соат 18:00 да тўхтатилади.

Мазкур объектлар юқорида белгиланган савдо кунидан сўнг қатнашиш учун навабтадаги ҳафталанаринг пайшанба кунлари ўтказилган савдоларга қўйилади.
Аукцион ўтказилган қўйидаги манзилдан қўшимча маълумотлар олиш мумкин: 100060, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур шоҳ кўчаси, 16 "А"-уй.

Алоқа телефони: 233-23-49.
Телефакс: 233-23-40.
Электрон почта P-A_DUK@mail.ru

"Respublika Mulk-Auksioni" ДК Навоий вилоят филиали аукцион савдоларига таклиф этади

2010 йил 22 июнь соат 10:00 дан бошлаб бошланғич баҳоси ошиб бориши тартибидоги аукцион савдосига қўйидаги объектлар қўйилади:

1. Навоий кон-металлаургия комбинатига қарашли, Учқудуқ туманида жойлашган Шимолий кон бошқармаси тасарруфдаги устанона. Объект 1976 йилда, йиғма темир-бетон маҳсулотлардан қурилган, қурилиш ости майдони 2500 м².

Бошланғич баҳоси 195 000 000 сўм.

2. Навоий кон-металлаургия комбинатига қарашли, Учқудуқ туманида жойлашган Зарафшон қурилиш бошқармасининг омборхона биноси (872297-инв). Объект 1987 йилда қурилган, қурилиш ости майдони 360 м². Пойдевори, поли бетондан, деворлари ва ички деворлари темир бетондан.

Бошланғич баҳоси 45 000 000 сўм.

3. Навоий кон-металлаургия комбинатига қарашли, Учқудуқ туманида жойлашган Шимолий кон бошқармаси ОРС базасининг қурилиши тугалланмаган ярим-фабрикалари цехи (демонтаж ва темир бетон маҳсулотлари олиб чиқиш учун). Объект 2-қаватли бўлиб қурилиш ости майдони 2268 м².

Бошланғич баҳоси 199 800 000 сўм.

4. Учқудуқ туманида жойлашган Учқудуқ тумани 75932-ҳарбий қисмга қарашли 1991 йилда и/ч "УАЗ-31512" русумли, д/р 21 МХ 53-72 бўлган техник носоз автотранспорт воситаси.

Бошланғич баҳоси 2 188 000 сўм.

Ушбу кунда сотилмай қолган объектларнинг такрорий аукцион савдоси 2010 йил 22 июль, 24 август, 28 сентябрь кунлари соат 10:00 дан бошлаб ўтказилади.

Аукцион савдосида қатнашиш истагини билдирган шахслардан ҳужжатларни ҳар кун (дам олиш ва байрам кунларидан ташқари) соат 9:00 дан 18:00 гача

ДМК Навоий вилояти ҳудудий бошқармаси биносининг 2-қаватида қабул қилинади. Талабгорлардан аризаларни қабул қилиш савдо бошланишидан 3 (уч) соат олдин тўхтатилади.

2010 йил 23 июнь кун соат 10:00 дан бошлаб аукцион савдосига яқка тартибда уй-жой қуриш учун майдони 400 м² ва ёрдамчи ҳўжалик юритиш учун 200 м² иборат (жами 600 м²) ер майдонлари қўйилади.

Қизилтепа тумани "Хўжа Ҳасан" ҚФЙ, "Узилиш-кент" маҳалласи ҳудудидан 1 дона, "Хўжа қўрғон" маҳалласидан 1 дона, жами 2 дона ер майдонлари. Ҳар бирининг бошланғич баҳоси 180 000 сўм.

Қизилтепа тумани, собиқ Навоий ш/х 2 участкаси ҳудудидан 9 дона, "Милтиқчи" маҳалласидан 19 дона, "Оқ соч" маҳалласидан 18 дона, "Майта" маҳалласидан 16 дона, "Малиқобод" маҳалласидан 1 дона жами 63 дона ер майдонлари. Ҳар бирининг бошланғич баҳоси 120 000 сўм. Аукцион савдоси Қизилтепа тумани Маданият уйи биносига ўтказилади.

Ушбу кунда сотилмай қолган ер майдонларининг такрорий савдоси 2010 йил 30 июль, 7, 14, 21, 28 июль, 4, 11, 18, 25 август кунлари соат 10:00 дан бошлаб ўтказилади. Ушбу ер майдонларига аризаларни қабул қилиш савдо бошланишидан 3 (уч) кун олдин (14 июнь соат 18:00 да) тўхтатилади. Қўшимча маълумот олиш манзили: Қизилтепа тумани, Ўзбекистон шоҳ кўчаси, тел: 555-24-37.

2010 йил 24 июнь кун соат 10:00 дан бошлаб аукцион савдосига Зарафшон шаҳри ҳудудидан яқка тартибда уй-жой қуриш учун майдони 400 м² иборат ер майдонлари қўйилади.

Янги Зарафшон маҳалласидан 3 дона ер майдони, ҳар бирининг бошланғич баҳоси 16 920 сўм.

Янги Зарафшон маҳалласидан 1 дона ер майдони, бошланғич баҳоси 25 500 сўм.

Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкни бошқариш Давлат қўмитаси Республика кўчмас Мулк биржаси Навоий вилояти филиали нархи ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади

Аукцион савдоси 2010 йил 18 июнь кун соат 11:00 да Учқудуқ шаҳрида Навоий вилоят Давлат мулкни бошқариш бошқармасининг 12.05.2010 йилдаги 51-П сонли буйруғига асосан ўтказилади; Учқудуқ туман "Йўлчилар" даҳаси ҳудудидан 9 дона ҳар бири 600 кв.м.дан (шундан уй-жой қуриш учун 200 кв.м.) № 180, 186, 390А, 418, 476, 477, 478, 479, 480 - сонли ер майдонлари. Ҳар бирининг бошланғич баҳоси - 93 004 сўмдан.

Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлардан буюртмаларни қабул қилиш аукцион савдосига уч кун қолганда тўхтатилади. Мазкур аукционда қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоиздан кам бўлмаган миқдорда закатла пулини РКМБ Навоий филиалининг АТ "Ипотекабанк" Навоий филиалидаги қўйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: МФО 00205, ИНН 200933850, Х.р. 20210000300571452458. Аукцион савдоси голиби сотувчи билан 20 кундан кечикмаган муддат ичда олди-сотди шартномаси имзолаши шарт. Савдо ўтказиладиган манзил: Учқудуқ шаҳар ҳокимлиги мажлислар зали.

Қўшимча маълумотлар учун манзил: Навоий шаҳар, П.Очилов кўчаси 24-уй.
Тел: 8(436) 22-4-15-61. 22-4-64-31.

Веб сайт: WWW.RKMB.UZ.
Лицензия: DB 001 №000004

Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкни бошқариш давлат қўмитаси "Республика Кўчмас мулк биржаси" ЁАЖ Хоразм вилояти филиали бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади

"Республика кўчмас мулк биржаси" ЁАЖ Хоразм вилоят филиали Давлат мулкни қўмитаси Хоразм вилоят ҳудудий бошқармаси билан ҳамкорликда, 2010 йилнинг 1 июль кун соат 11:00 да Урганч шаҳри, Й.Бобожонов кўчаси, 23-уйда ўтказиладиган очиқ аукцион савдосида мерос қилиб қолдириш шarti билан умрбод эгаллик қилиш учун қўйидаги ер майдонларини очиқ аукцион савдосини ташкил қилмоқда: Богот тумани "Куланкоробог" қишлоғи ҳудудидан, ҳар бирининг юзаси 600 кв.метр бўлган (шундан 400м² яқка тартибда уй-жой қуриш учун ва 200 м² дехқон ҳўжалиги юритиш учун) №1,2,3,4,5,6,7,8,9,10,11,12,13,14,15,16,17,18,19,20,21,22,23,24,25, 26,27,28,29,30,31,32,33,34,35,36,37,38,39,40,41,42,43,44,45, 46,47,48,49,50,51,52,53,54,55,56,57,58,59,60,61,62,63,64,65,66,67,68,69,70, 71,72,73-ер майдонлари. Ҳар бирининг бошланғич баҳоси — 150.000 сўм.

Юқоридаги ер майдонлари 2010 йил 1 июлдаги очиқ

Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкни бошқариш давлат қўмитаси «Республика Кўчмас мулк биржаси» ЁАЖ Хоразм вилояти филиали бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади

"Республика кўчмас мулк биржаси" ЁАЖ Хоразм вилоят филиали Давлат мулкни қўмитаси Хоразм вилоят ҳудудий бошқармаси билан ҳамкорликда, 2010 йилнинг 24 июнь кун соат 11:00да Урганч шаҳри, Й.Бобожонов кўчаси, 23-уйда ўтказиладиган очиқ аукцион савдосида мерос қилиб қолдириш шarti билан умрбод эгаллик қилиш учун қўйидаги ер майдонларини очиқ аукцион савдосини ташкил қилмоқда: Янгиариқ тумани "Чикирич" қишлоғи "Тузлқоқ" аҳоли пункти ҳудудидан, ҳар бирининг юзаси 600 кв.метр бўлган (шундан 400 м² яқка тартибда уй-жой қуриш учун ва 200 м² дехқон ҳўжа-

лиги юритиш учун) №1,2,3,4,5,6, 7,8,9,10,11,12,13,14,15,16,17,18,19,20,21,22,23,24, 25,26,27,28,29,30,31,32,33,34,35,36,37,38,39,40, 41,42,43,44,45,46,47,48,49,50,51,52,53,54,55,56, 57,58,59,60,61,62,63,64,65 ер майдонлари. Ҳар бирининг бошланғич баҳоси - 200.000 сўм.

Юқоридаги ер майдонлари 2010 йил 24 июндаги очиқ аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, сотилмаган ер майдонларини сотиш юзасидан такрорий аукцион савдолари 2010 йил 08, 15, 22, 29 июль кунлари сотилгунга қадар бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар-

аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, сотилмаган ер майдонларини сотиш юзасидан такрорий аукцион савдолари 2010 йил 08, 15, 22, 29 июль кунлари сотилгунга қадар бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосига уч кун қолганда тўхтатилади. Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закатла келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 100 фоиздан кам бўлмаган миқдорда закатла пулини, РКМБ ЁАЖ Хоразм вилояти филиалининг МФО: 00580, ИНН: 200933850, АТИБ "Ипотека" банки "Тинчлик" филиалидаги 20210000700571452056 ҳисоб рақамига тўлашлари шарт. Аукцион ўтказиладиган манзил: Хоразм вилояти Урганч шаҳри, Й.Бобожонов кўчаси, 23-уй. Тел 8(362)226-43-64 www.rkmb.uz Лицензия: DB 001 №000004.

ни қабул қилиш аукцион савдосига уч кун қолганда тўхтатилади. Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закатла келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 100 фоиздан кам бўлмаган миқдорда закатла пулини, РКМБ ЁАЖ Хоразм вилояти филиалининг МФО: 00580, ИНН: 200933850, АТИБ "Ипотека" банки "Тинчлик" филиалидаги 20210000700571452056 ҳисоб рақамига тўлашлари шарт. Аукцион ўтказиладиган манзил: Хоразм вилояти Урганч шаҳри, Й.Бобожонов кўчаси, 23-уй. Тел 8(362)226-43-64. www.rkmb.uz Лицензия: DB 001 №000004.

Давлат дастури доирасида

Уткиржон ДЕХҚОНОВ,
"Huquq"

(Давоми. Бошланиши 2-бетда)

Учинчи босқичда иккинчи босқичда голиб бўлган 16 та жамоа 4 гуруҳга бўлиниб беллашди. Шундан сўнг тўртинчи босқичга тўртта жамоа чиқибди.

Мусобақанинг тўртинчи финал босқичи Бўка туманининг Марказий уйингоҳида анъанавий спорт байрами тарзида ўтказилди. Ушбу якуний босқичда жамоалар мурасасиз беллашувлари билан стадионга келган томошабинларни ҳам хурсанд этишди. Айниқса ўқувчиларнинг галабага бўлган интилишлари, ўзаро ҳамжихатликдаги ҳаракатлари, дўстона муносабатлари спорт байрамига файз киритди. Қолаверса, қизлар ўртасидаги эстафета баҳслари ва волейбол уйинлари ҳам томошабинларда катта таассурот қол-



дирди.

Мурасасиз ўтган спорт мусобақаси якунида совринли ўринлар соҳиблари мукофотлар билан тақдирланди.

Шунингдек, мусобақада энг яхши дарвозабон, энг яхши ҳимоячи, энг яхши ярим ҳимоячи, энг яхши ҳужумчи, энг кўп тўр урар футболчилар ҳам сараланди. Уларнинг ҳар бирига мукофот тарзида бир дондан велосипед совға қилинди. Ўқувчиларнинг ушбу ўтказилган мусобақадан қувончлари чексиз.



ЖАРга боролмайдиган футболчилар

Максудали ҚАМБАРОВ,
журналист



Тўрт йилликнинг энг йирик мусобақаси бошланишига атиги 22 кун қолди. Жанубий Африка Республикасида 11 июнь кунидан старт оладиган жаҳон чемпионати бир қатор номдор футболчиларсиз ўтайдиган кўринади. Бразилияликлар мураббийи Дунга 30 талик таркибга Роналдиньони киритган бўлса, бошқа бир "Милан" азбоси Пато хизматидан воз кечди. Шунингдек, "Фланменго" клуби ҳужумчиси Адриано ҳам Дунганинг эътиборидан четда қолган. Адриано маҳаллий "Gazeta Esportiva" нашри журналистига берган интервьюсида Бразилия терма жамоаси билан ЖАРга боришни истаётган бўлса-да, тақдирга қарши иш қилиб бўлмаслигини айтиб ўтди.

"Албатта, Дунганинг мени таркибга олмаслигини кутмагандим, - деди футболчи. - Бу қарор менинг режаларимни ўзгартириб юборди. Ҳозир 28 ёшдаман ва ушбу жаҳон чемпионати мен учун энг охиригиси эди. Мен бундан хафа эмасман. Ҳар нима бўлганда ҳам ҳаёт давом этаверди. Мен барча футболчиларга, терма жамоага ва унинг ҳар бир аъзосига омад тилаб қоламан. Чунки уларнинг барчаси менинг дўстларимдир".

Худди шунга ўхшаш ҳолатни Франция терма жамоаси таркибига ҳам кузатиш мумкин. Терма жамоа бош мураббийи Раймон Доменек 30 кишидан иборат кенгайтирилган рўйхатни маълум қилди. Ундан бир қатор машҳур футболчилар, жумладан, Патрик Виейра, Карим Бензема ва Самир Насрилар ўрин олишмаган. Бу ҳолат франциялик ишқибозларда терма жамоага нисбатан ишонсизлик уйғотмоқда. Францияда ўтказилган ижтимоий сўров натижаларига кўра, ишқибозларнинг 72,7 фоизи Франция терма жамоаси ЖЧ-2010нинг биринчи босқичидан кейинроқ мусобақани тарк этади, деб ҳисоблайди.

Бир неча йиллардан бери Италия термаси таркибига тўп суриб келаётган "Рома" жамоаси сардори Франческо Тотти ва "Ювентус"нинг тажрибали ҳужумчиси Алессандро Деллиперо, ҳимоячи Николаа Легроттабальер Марчело Липпи тузган 30 талик рўйхатга киритилмаган. Шунингдек, Лука Тони ҳам эътибордан четда қолдирилган. Липпи ушбу футболчилар хизматидан воз кечган бир пайтда дунёнинг энг тажрибали дарвозабонларидан ҳисобланган Буффон унга ёрдам бера олмаслиги мумкин. У "А" сериянинг сўнгги турларида "Милан"га қарши кечган баҳсда тўпнигидан жароҳат олган эди. Жароҳатнинг жиддий ёки жиддий эмаслиги ҳали маълум эмас.

Англия терма жамоаси ярим ҳимоячиси Девид Бекхем оғир жароҳати туфайли ЖЧ-2010 уйинларида футболчи сифатида иштирок эта олмайди. Терма бош мураббийи Фабио Капелло уни жамоага жалб қилди, аммо Бекхем қайси вазифада иш олиб боради, бунга аниқлик киритгани йўқ. 14 май, жума кuni Бекхем айнан Капеллонинг ёрдамчиларидан бири сифатида Англия терма жамоасига ёрдам беришни жуда ҳам истаганини айтиб ўтди. Ярим ҳимоячининг сўзларига кўра, Капелло уни ЖЧ-2010га тақлиф қилганини билганида, бош мураббийнинг ушбу қароридан жуда ҳам хурсанд бўлган.

Жароҳати туфайли жаҳон чемпионатида бориши сўроқ остида турган футболчилардан яна бири Германия терма жамоаси ярим ҳимоячиси Михаил Баллакдир. Олмонлар етакчиси Англия кубогининг финал баҳсида "Портсмут"га қарши баҳсда жароҳат олган ва ўйинни охиригача ҳаракат қила олмаганди. Яқшанба кунги тиббий текширувлардан сўнг унинг тўпнигидан жароҳат олганлиги маълум бўлди. Шифокорларнинг таъкидлашича, бу жароҳат футболчида ЖЧда қатнашиш имкониятини бермайдиган.

Хуллас, жаҳон чемпионати оstonасида шунчақ гаплар. Бу галти чемпионат бошланмасиданоқ қутулмаган воқеаларни тақдим этмоқда. Нима бўлган тақдирда ҳам тўрт йилликнинг энг йирик мусобақаси ишқибозларни зериктириб қўймаслигига ишонамиз. Эҳтимол ЖАР янги юлдузларни кашф этар.



Мендан кетгунча, эгасига етгунча

(Давоми. Бошланиши 6-бетда)

Давлат мулкни бошқариш вилоят ҳудудий бошқармасида "Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги Қонун нормаларига тўлиқ риоя этилмаган. Қонуннинг 18-моддасига мувофиқ ариза ва шикоятлар масаланинг моҳиятини ҳал этиши шарт бўлган давлат органига тушган кундан бошлаб бир ойгача муддат ичида, қўшимча ўрганиш ва текширишни талаб этмайдиганлари эса ўн беш кундан кечиктирилмай қўриб чиқиши шарт. Фуқаро Р.Шомуратовнинг аризасини қўриб чиқишда ушбу талаб бузилган. У ўзи сотиб олган Данғара туманидаги 9-болалар боғчасига тааллуқли ҳужжатдан нўсха кўчириб беришни сўраган. Бошқарма бўлими бошлиғи Ш.Аҳмедовнинг "ўта банд"лиги туфайли беш дақиқада кўчириб бериладиган нўсхани икки ой кутганига мажбур бўлган.


Фуқаро И.Абусаидов Фарғона тумани Ёрдон қишлоғи ҳудудига дам олиш маскани қуриш учун 200 квадрат метр ер майдонини аукцион савдосида сотиб олган-у, лекин унга ер майдони ажратиб берилмаган. Бошқармага қўлидаги давлат ордерига мувофиқ ер майдони ажратиб беришда амалий ёрдам сўраб ёзган аризаси бўлими бошлиғи З.Ортиқовга ўрганиш учун топширилган. У аризани текширмаган, ҳужжат ўрганилгани ҳақида маълумотнома ҳам тузмаган. Орадан бир ой ўтгач эса ариза муаллифига ер ажратиш масаласи бошқарма ваколатига кирмаслиги, бу масала туман ҳокимлиги томонидан ҳал қилиниши тўғрисида жавоб йўлланган. Ушбу идора ходимлари томонидан мурожаатларни қонунда белгиланган муддатларда қўриб чиқмаслик, ариза муаллифларига жавоб хати юбормаслик каби қонунбузилиш ҳолатлари

рига яна кўплаб мисоллар келтириш мумкин.

Қонуннинг 22-моддасига мувофиқ фуқароларнинг ҳуқуқлари, давлат ва жамият манфаатлари бузилишини келтириб чиқарган сабабларни бартараф этиш мақсадида ариза, тақлиф ва шикоятлар таҳлил этилиб, умумлаштирилиб борилиши лозим. Бошқармада бу иш билан ҳеч қим шуғулланмаган, мурожаатлар бирон марта ҳам на таҳлил қилинган ва на умумлаштирилган.

Вилоят монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш ҳудудий бошқармаси, вилоят архитектура ва қурилиш бош бошқармасида ҳам ариза ва шикоятларни мазмунан қўриб чиқиб, асосли талабларнинг қаноатлантирилишига амалий ёрдам кўрсатиш ўрнига масъулиятни ўз зиммасидан қотиб қилиш учунгина бир қолиғида жавоб хатларини юбориш, бошқа ваколатли идораларга йўлланганида эса, ариза ва шикоят муаллифларини бохабар қилмаслик, белгиланган муддатларда қўриб чиқмаслик каби қонунбузилиш ҳолатлари одатий ҳолга айланган. Вилоят прокуратураси қонунбузилишларни бартараф этиш чораларини кўрди.

Фуқароларнинг мурожаатларига муносабат давлат идораси, ташкилот раҳбари ва ходимларнинг ўз ишларига нечоғлик масъулият билан ёндашаётганликларини ифодаловчи норасмий, аммо аниқ ва равшан мезъёрдир. Ўз ташвишлари қобига ўрналиб қолган худбин шахс одамларнинг дардларини эшитмайди, фуқароларга хизмат қилишдан иборат мансаб бурчини унутиб қўяди. Охир-оқибат назардан қолади. Одамлар ташвиши-дардини тинглай оладиган, имконияти даражасида малҳам қўя биладиган раҳбар ва ходимларгина ҳурмат ва эътиборга сазовор бўладилар.



Huquq
yuridik gazeta

Ta'asischi:
O'zbekiston Respublikasi Bosh prokuraturasi

Bosh muharrir:
Jahongir MAKSUMOV

Tahrir hay'ati:
Yusupboy G'OIPOV,
Bahridin VALIYEV, Baxtiyor NAZAROV (Bosh muharrir o'rinbosari),
Shavkat YODGOROV (mas'ul kotib),
Svetlana ORTIQOVA, Tohir MALIK

Tahririyat manzili:
Toshkent shahri, Yahyo G'ulomov ko'chasi, 66-uy.

Telefon: 233-98-40,
233-10-53.

Faks: 233-64-85, 233-10-53.

E-mail: info@huquq-gazeta.uz

Tahririyatga kelgan qo'lyozma va suratlar egalarga qaytarilmaydi. Mualliflarning fikrlari tahririyat fikridan farqlanishi mumkin. Nashrimizdan ko'chirib bosilganda «HUQUQ»dan olinganligi ko'rsatilishi shart. Tijorat ahamiyatiga molik materiallar ** belgisi ostida chop etiladi.

Buyurtma j-9476. 23 916 nusxada bosildi. Gazeta tahririyat kompyuter bazasida terildi va sahifalandi. «HUQUQ» original maketi.

Sahifalovchi-dizayner: S.BOBODJONOV
Navbatchi muharrir: Sh.YODGOROV
Navbatchi: O'.DEHONOV

Gazeta haftaning payshanba kunlari chiqadi.

Sotuvda kelishilgan narxda

Gazeta O'zbekiston Respublikasi matbuot va axborot agentligida 2009 yil 12-oktabrda O188-raqam bilan ro'yxatga olingan.

Nashr ko'rsatkichi - 231
ISSN 2010-7617

Gazeta «O'zbekiston» nashriyot matbaa ijodiy uyida chop etildi. Korxonalar manzili: Toshkent shahar, Alisher Navoi ko'chasi, 30-uy.
Bosmaxonaga topshirish vaqti: 22.00. Topshirildi: 22.30 1 2 3 4 5 6 7 8 9